Мустақиллик байрамига 21 кун қолди

Ишончим комилки, эндигина кучга кириб, кўкка бўй чўзаётган Ўзбекистон мустақиллиги ҳар қандай кучли шамолда ҳам эгилмайдиган, синмайдиган азим чинорга айланади.

Абдулла ОРИПОВ

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ—ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 10 АВГУСТ, СЕШАНБА | № 32 (132) | Сотувда эркин нархда

Мустақиллик - нур, чароғ йўли, Бахту иқбол, чин ҳаёт гули!

БУЮК КЕЛАЖАК ЮКСАК МАЪНАВИЯТДА

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда ижтимоий-ҳуқуқий демократиянинг пойдевори бунёд этилди. Янгиланаётган жамиятимизни бирлаштирадиган умумий миллий ғоя Президентимиз томонидан ўртага ташланди.

Миллий мафкурани вужудга келтириш йўлидаги биринчи вазифа халқ онгини юксалтиришдир. Истиқлол шароитида миллий онгни қарор топтириш эса қуйидагиларни ўз ичига олади. Биринчидан, тарихий маънавий асослари Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаган қуйидаги тўрт негизга таянади: умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши ва ватанпарварлик. «Маънавият, - деб ёзади юртбошимиз И.Каримов, - инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Сахродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлиқ - маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг».

Ҳозирги кунда фуқароларимиз дунёқарашида шаклланаётган янги маънавий эҳтиёж мустақил давлатимизга муҳаббат, танлаган йўлимиз ва юртимизнинг истиқболига ишонч билан уйғундир. Етук маънавият, ақлий салоҳият соҳиби бўлган кишиларгина келажакни олдиндан кўришга, оғир шароитларда ҳам юксак мақсадларни олдига қўйиб, унга иймон ва эътиқод билан интилишга қодир бўлишади.

Воҳамизда маънавият муаммоларини юксалтириш мақсадида республикамизда биринчи бўлиб 1994 йили «Термиз маънавият Академияси» ташкил этилган эди. Академиянинг асосий вазифаси маънавий қадриятларимизни тиклаш, уларни ўрганиш ва ҳар томонлама тарғиб этишдан иборатдир. Ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ Академияда машғулотлар ўтказилиб келинмоқда. Академия тингловчилари - вилоят ҳокими муовинлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг муовинлари, ташкилотлари, хўжаликлар раҳбарлари. Маъруза ва амалий машғулотларни университетимизнинг етук профессор ва доцентлари олиб борадилар.

Бир ўқув йили давомида уч-тўрт гуруҳ, яъни 25 нафар тингловчи жалб этилади. Академия ўқув дастури давр билан ҳамоҳанг. Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини тушунтириш, Президентимиз асарларини ўқиб-ўрганиш таълим жараёнининг етакчи йўналишлари қилиб белгиланган.

Термиз Маънавият Академияси ишига Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, Республикамиз «Маънавият ва маърифат» маркази, «Тафаккур» журнали таҳририяти яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Олий Мажлис XIV сессиясида юртбошимиз XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор йўналишларни белгилаб, жамият маънавиятини янада юксалтиришни энг асосий вазифа ҳисоблаб қўйиб: «Биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак» деб таъкидлаган эди. Демак, халқимизнинг келажаги, аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир, яъни буюк келажак юксак маънавиятдадир.

Назар ТЎРАЕВ,
Термиз Давлат Университети ректори, ЎзФА мухбир аъзоси

Огоҳлик

МУСТАҚИЛЛИК ҚАДРИ

Энг азиз миллий байрамимиз - мустақиллик куни тобора яқинлашган сари унинг ҳуқуқий пойдевори нечоғли мустаҳкамлигига яна бир разм солиш жоиздир. Истиқлол туфайли ўзбек халқи миллий давлат қуриш ҳуқуқини қўлга киритди.

Президентимиз бошчилигида ўзбек халқининг тарихи ва урф-одатларига асосларига ахлоқий, маънавий ва руҳий ҳамда ҳуқуқий қадриятларига мос келадиган давлатчиликка асос солинди.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида ўтган 8 йил давомида кўплаб қонунлар қабул қилинди. Қонунчилигимизнинг асосий пойдевори Ўзбекистон Конституцияси Президентимиз таъбирлари билан айтганда, «суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди».

Конституциянинг асосий ғояси фуқароларнинг жамият, оила ҳамда давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиб туришдан иборатдир. Ушбу мақсад йўлида 300 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Буларнинг барчаси аввало инсон манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Улуғ аждодимиз Амир Темур таъкидлаганларидек: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Хўш, шундай ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида дадил одимлаб бораётган карвонни кўролмаслик касалига учраганларни она юрт фарзанди деб аташ мумкинми?

Менимча, бундай оғир муаммо келиб чиқиш сабабларини аввало оиладан излаш керак. Чунки оилавий муҳит қанчалик соғлом бўлса, ундан шунчалик мутақил фикрлаш қобилиятига эга фарзандлар етишиб чиқади. Тўғри, инсон вояга етгунга қадар унга теварак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, иқтисодий муаммолар ҳам ўз таъсирини ўтказиб боради. Аммо ота-она, маҳалла ва таълим-тарбия масканларининг таъсири барибир алоҳида. Ҳар бир ота-она фарзандлари вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур бу ота-онанинг Конституциявий бурчидир.

Жамиятда ота-она боғбонга, фарзандлар эса ундаги ниҳолларга менгзалади. Боғбон боғда ўстираётган ниҳолига қанчалик ўзини фидо қилиб, меҳнатини аямай, бутун меҳрини бериб парваришласа, эккан ниҳоли бегона ўтлар, чақир тиканлар орасидан тезроқ ўсиб чиқиб, кўкка бўй чўзади. Экилган ниҳол яхши ҳосил бериб кўкка тезроқ бўй чўзиши учун кераксиз шохларини кесиб ташлаш, уни ҳар хил ҳашоратлар, қуртлардан асраб-авайлаш лозим. Чунки ёш ниҳол мурғак бўлади. Бу табиатнинг табиий қонунларидир. Шунинг учун биз кучли демократик давлат барпо этиш учун ҳар қандай тўсиқлардан мардонавор ўтишга ва турли хавф-хатарларнинг олдини олиш билан бирга кутилмаган ҳодисаларни енгиб ўтишга ҳам тайёр туришимиз лозим.

Инсон ҳам жамиятнинг бир онгли мўъжизаси сифатида жамият қонунларига бўйсунмасдан иложи йўқ.

Феврал воқеалари бизни бу борада янаям ҳушёрликка чорлади. Ҳар бир дарднинг олдини олиш имконияти бўлгани каби жиноятнинг ҳам олдини олиш мумкин. Бу эса нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари олдидаги бурч, балки республикамиздаги ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Тақдирни ҳар бир инсон ўз қўли билан яратади, деган гапда жон бор. Шундай экан, зурриёдлар тақдирига, келажак авлодлар тақдирига бефарқ бўлмайлик. Буюк келажак, эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги осмонимиз мусаффолиги шунга боғлиқ.

Дилмурод РАЖАБОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

БУГУНГИ СОНДА:

НОҲАЛОЛ САВДОЛАР

Ғуж Ғ.Ғулом шаҳри бозорларидаги аҳвол ҳақида

Шукуҳ

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Узоқ йиллар давом этган мустабид тузум парчаланганига ҳам мана саккиз йил бўлаяпти. Беихтиёр мустақилликнинг дастлабки йиллари кўз олдимдан ўтади.

Салтанат парчаланган. Унинг омонат занжири узилиб, ўн тўрт давлатнинг боши ганг-иб қолган пайтлар. Ана шундай лаҳзада мамлакатимизнинг илк Президенти ўзини йўқотиб қўймади. Таҳликали вазиятдан ақлидрок билан фойдаланиб, қўлга киритилган мустақилликни маҳкам тутди. Ахир, истиқлол орзусида яшаб, умидлари саробга айланган ва шу йўлда жонини қурбон қилган фидойи аждодлар ҳаққи-ҳурмати учун ҳам шундай қилиш керак эди.

Юртбошимиз ўзи танлаган, айни шу саодатли кунларда бор бўй-басти билан ишончни оқлаган ва ўзга давлатларга намуна бўладиган йўлни танладилар. Бозор иқтисодиётига асосланган, эркин, ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамияти сари бошлайдиган бу йўл нечоғли тўғри танланганлиги бугунги кунда барчага аён.

Энг муҳими, истиқлолга эришгач, барча соҳада бўлгани каби ҳуқуқий онг ва билимга, теран фикр ва тафаккурга эътибор кучайди. Бу албатта ҳуқуқий демократик жамият барпо этишнинг амалда синалган, энг мақбул тамойилларидан биридир. Президентимизнинг айнан мана шу жабҳаларга эътиборни кучайтиргани бежиз эмас, албатта. Бинобарин, ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб етган шахс жиноятга, қалтис ишларга қўл уришга ботинолмайди.

Кўп узоққа бормайлик. Яқин ўтмиш - 20-30 ва ундан кейинги даврларни эсланг. Инсонийликка хос бўлган динимиз топталди, ҳуқуқимиз поймол қилинди. Кўплаб таниқли арбоб, зиёлиларимиз ноҳақ ҳибсга олиниб, сургунга жўнатилди, қатлиом қилинди. Миллатнинг шаъни, қадр-қиммати камситилди. Уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонунлар ожиз эди. Чунки шўро қонунлари табиийки, халққа эмас, КПССга хизмат қиларди. Шахс манфаатини ҳеч қачон яккаҳоким партиядан устун қўйиб бўлмасди.

Айни шундай фараҳбахш кунларда мамлакатимиз истиқлолининг саккиз йиллигини нишонлар эканмиз, шу онларнинг қадрига етишимиз, ўзлигимизни англашимиз, мустақил юртнинг фидойи фарзандлари қаторидан ўрин олиб, келгуси авлодга намуна бўлишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Чунки ўзининг ақл-заковати, теран тафаккури билан етти иқлимни маҳлиё этган боболаримизнинг руҳи биздан шуни кутаётир. Президентимиз таъкидлаганларидек, қонунни яхши билмаган, ҳақни ноҳақдан ажратолмаган, дунёқараши тор, бекорчи кимсалар томонидан содир этилаётганига гувоҳман.

Шундай экан, биз ҳуқуқшуносларнинг олий ўқув юртлари, коллеж ва техникумларда, маҳалла ва мактабларда, қолаверса, ҳарбий жамоаларда тез-тез бўлиб, учрашувлар, жонли мулоқотлар ўтказиб турсак, бу ўзининг ижобий самарасини бермай қолмайди. Чунки истиқлолнинг қадрига етган, ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбия топган, келажагимизга, тараққиётимизга ишонч кўзлари билан боқаётган бугунги авлод ҳаётимизнинг давомчиларидир. Президентимиз ҳам **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт»** деганларида ана шуларни назарда тутган бўлсалар не ажаб.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, шундай улуғ, саодатманд кунларда яхши ният қилиш хосиятли саналаркан. Истагим - мусаффо осмонимиз остида нафас олаётган юртдошларимизга тинчлик, осойишталик ҳамиша ёр бўлсин!

Фарҳод ОМОНОВ,
Фарғона ҳарбий прокурори

Озод юрт корхоналари

«СЎҒДИЁНА» ЎСМОҚДА

Шаҳрисабз туманининг Чоршанба қўрғонида жойлашган «Сўғдиёна» очиқ ҳиссадорлик жамиятида 579 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Бу қурилиш корхонаси туманда биринчилардан бўлиб, 1991 йилдаёқ ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди. Унинг аъзолари йил сайин муваффақиятлар сари дадил одимламоқда. Бир кунда 45 минг дона ғишт чиқаришга мўлжалланган завод, бетон ва тош саралаш заводлари бир маромда ишлаб турибди. Корхонанинг ютуқ ва муаммолари ҳақида жамият раиси Суқрот АСКАРОВ ва бош муҳандис Ҳусниддин ПИРНАЗАРОВлар ҳикоя қилади:

- Қурилишнинг барча жабҳаларини пухта-пишиқ ўзлаштирган жамиятимиз қурувчилари тумандагина эмас, вилоятнинг бошқа ҳудудлари қурилиш майдонларида фидойилик намуналарини кўрсатиб ишламоқда. Ҳар ойда камида 100-120 минг сўмлик иш бажарилмоқда. Фақат июл ойида 130 минг сўмлик иш бажариш режалаштирилган. Мамлакатимизнинг йирик қурилиш майдонларидан бири - Шўртан химия комплекси қурилишида 100 га яқин қурувчиларимиз ишламоқда. Икки йил ичида Шўртанда 12 квартирали турар жой биноси, химия заводи учун 15 метр баландликдаги минора, 2 та уч хона-коттедж бинолар қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда қурувчиларимизнинг ойлик иш ҳақи 10-15 минг сўм атрофида. Асосий етакчи куч сифатида ёшларга таянаяпмиз. Уларнинг меҳнатга онгли муносабатини оширишда, маънавий баркамоллигини таъминлашда барча шароит муҳайё этилган. Бизда ишлаш истагини билдираётган ёшлар сафи тобора кўпаймоқда. Ўтган йилни қарийб 3 миллион сўм соф фойда билан якунладик. Жорий йилнинг ўтган олти ойидаёқ қарийб 85 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардик. Бунинг эвазига ҳар бир ҳиссадорнинг соф фойдаси ўн баробаргача кўпайишига эришаяпмиз. Бундай аҳволнинг бош омили - меҳнатга муносабатнинг ўзгариши, манфаатдорлик ошиши, материал таъминотининг йўлга қўйилиши сабаб бўлмоқда. Даромадга қараб буромад, дейдилар. Ўтган йили илғор ишчимиз Ваҳоб Жабборовнинг уйланиш тўйини, Жалол Соҳибов, Ҳасан Умаровларнинг фарзанд тўйларини корхона ҳисобидан ўтказиб бердик. Оромбахш Қангли қишлоғида дам олиш маскани бор. Илғор ходимларимизни рағбатлантиришни йўлга қўйганмиз. Масалан, электр пайвандчи Мусурмон Даминов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Уларнинг сафи кўп.

Вазирлар Маҳкамасининг доимий назоратида бўлган 824 ўринли мактаб қурилишини тугаллаб, фойдаланишга топширдик. Шаҳрисабз йўл қурилиш бошқармаси тасарруфидаги 25 квартирали уй-жой қурилиши ҳам ниҳоясига етказилди. Қатоғон қишлоғида 900 ўринли касб-ҳунар коллежининг қурилишини ҳам 20 фоиздан ошириб қўйдик, насиб этса 2000 йилда фойдаланишга топширамиз. Мақсадимиз битта: ҳамма жойда тез ва соз қуриш, Ватан ободлиги йўлида бор кучимизни аямай, меҳнат қилиш...

Суҳбатни Ғозн РАҲМОН ёзиб олди

ПУЛНИ СОМСА «ЕГАН»ЛАР ТЎЛАСА!..

...Инсон тақдири - қимматли неъмат. Унга кимлардир бефарқ, беписанд қарар, аммо қаршимиздаги олий маълумотли ҳуқуқшунос, 4 фарзанднинг онаси бўлмиш аёл! У эрининг бошига тушган қисматни, шу туфайли ўзи ва оиласи тор-таётган жабрни сўзлади. Хуллас, Қадамбой Қурбоновларнинг сўзларига қараб ни уни билганлар, танигандар, балки қоғоз ва ҳужжатлар, фактлар, далилларга қараб кашф этдик. Пешонасида ёзиғи бор экан. 1998 йилнинг 11 июнисида. 1999 йилнинг айни дан жазони ўташ муассасасида Наврўз айёми маҳали суд бўлди. Кўпчилик одамлар ажойиб сайлларга ошиқаётган бир пайтда уни, ўзи кутганидек оқлаб уйига эмас, яна ўша жойга жўнатишди.

3-бет

Фармон ва ижро

ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

Хўжалик юритишда қонунни билмаган ютқазади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони амалга киритилгандан буён салкам бир ярим йил вақт ўтди. Хўш, Фармонда белгилаб берилган вазифалар, қўйилган талаблар ижроси Самарқандда қандай кечмоқда? Вилоят хўжалик судининг раиси Аслам АКРАМОВ бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

- Тан олиш керак. Мазкур Фармонда хўжалик судларининг фаолияти амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар талабларига тўла жавоб бермаётганлиги танқид қилинганди. Унда қонунбузувчиларга нисбатан муросасозлик, хўжалик низоларини кўришда юзаки ёндашиш ҳолатлари мавжудлиги ҳақли равишда кўрсатиб ўтилди. Хўжалик низоларини кўришда жиноят аломатлари аниқланса, хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғаши, иқтисодий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга эса маъмурий жавобгарлик чоралари кўриш лозимлиги қайд этилди. Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъектга етказилган мулкий зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қоплаш белгиланди. Хўжалик судлари олдига пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаслик, тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик, корхоналарни банкротлик ҳолатига келтирганлик учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарларини ва унинг бошқа ҳисобчиларини эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга тақдимномалар киритиш вазифалари қўйилди.

Вилоят хўжалик суди Фармон ижросини таъминлаш, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги қарорини бажариш, иқтисодий муносабатларда қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳаракатида бўлаётир. Айбдорларга нисбатан тегишли чора-жазо қўлланилмоқда. Хўжалик судида кўрилган ишлар бўйича шу йилнинг биринчи ярмида 160 мансабдор шахсга нисбатан жазо чоралари қўлланилганлиги бунинг далили. Жумладан, 16 нафар раҳбарга жиноий, 62 нафарига маъмурий, 82 ходимга эса мулкий жавобгарлик қўлланилди. Раҳбар шахслардан ундирилиши лозим бўлган жарима суммаси 637 минг сўмни, мулкий зарар 1 миллион 174 минг сўмни ташкил этди.

Шундай бўлишига қарамасдан айрим хўжалик субъектлари томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишида масъулиятсизлик билан ёндашиш ҳоллари камаймаяпти. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли ташкилотлардан 293 та иш бўйича 144902 минг сўм, «Ўзмевасабзавотузумсаноатсотиш» ташкилотларидан 56 та иш бўйича 207791 минг сўм ундирилгани бунга яққол мисолдир.

Яқинда хўжалик судида Ўзбекистон Республикаси Мулк қўмитаси ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари вилоят ҳудудий бошқармасининг Каттақўрғон туман «Ўзбекчикин» ҳиссадорлик жамиятини банкрот, деб эътироф этиш ҳақидаги даъво аризаси кўриб чиқилди. Ҳиссадорлик жамияти 1994 йил 14 июнда ташкил этилган бўлиб, асосан парранда гўшти ва тухум ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Жамият томонидан ўтган йил бошида «Ўзпаррандасаноат» уюшмасидан айланма маблағларни тўлдириш мақсадида 20 миллион 644 минг сўмлик қисқа муддатли кредит олинган. Кредит ҳисобига жамият ўша йили 89 минг бош жўжани ўстиришга қўйган. Бухгалтерия ҳисоботларида 3 миллион 554 минг сўм соф фойда олинган бўлса-да, ана шу фойда салмоғи қарзга олинган воситалар ҳисобига вужудга келган. Сарфланган озуқа миқдори сифат даражаси пастлиги, дори-дармонларнинг етишмаслиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетишига сабаб бўлган.

Жамият шу йилнинг биринчи чорагида 20 миллион 305 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган ва сотган. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг кескин ошиб кетганлиги учун биринчи чорак 1 миллион 250 минг сўм зарар билан якунланган. Оқибатда жамият баланс ҳисоботларидаги мавжуд 30 миллион 342 минг сўмлик қопланмаган зарар миқдори 31 миллион 593 минг сўмга ортган. Шу йилнинг биринчи апрелига молмулк қиймати 57 миллион 169 минг сўм бўлиб, жорий йил бошига нисбатан 1074 минг сўмга кўпайган. Бундан ташқари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сонли қарорининг 3-иловасида «Ўзбекчикин» ҳиссадорлик жамиятини жорий йилнинг иккинчи ярмида банкрот деб эътироф этиш орқали хорижий инвесторларга бутунлай сотиш белгиланган.

Юқоридагиларга асосланиб, ҳиссадорлик жамияти хўжалик суди ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилди. Жамият ҳисобидан республика бюджетига 22440 сўм, хўжалик судларини ривожлантириш фондига 3960 сўм давлат божи ва 550 сўм суд харажатларига ундирилди. Ҳиссадорлик жамиятини банкротлик ҳолатига олиб келган раҳбарлар устидан жиноят иши қўзғатилди.

Халқимизнинг «Олмоқнинг бермоғи бор», «Ҳисобли дўст айрилмас» нақллари бежиз айтилмаган. Хўжалик юритишда қонунни билган, унга таяниб ишлаган, аниқлик, тежамкорлик, тадбиркорлик қилган ютқазмайди. Ҳисобини билмаганлар ҳамёнидан айрилади.

Пахтачи туманидаги «Юнус» ҳиссадорлик жамиятини худди шундайлар тоифасига киритиш мумкин. Жамият 1999 йил биринчи май ҳолатига кўра тўртта ташкилотдан 853449 сўм қарздор бўлган. Пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган жамият биргина туман газ таъминоти идорасининг ўзидан 200823 сўм қарз. Шартнома мажбурияти бажарилмагач, ҳиссадорлик жамиятига газ бериш тўхтатиб қўйилган.

«Юнус» ҳиссадорлик жамияти хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф қилинди. Жамият раиси Э.Шарипов ва бош ҳисобчи Ж.Тожиевларнинг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солинди.

Хўжалик суди ходимлари халққа қанчалик яқин бўлишса, қонунчилик тарғиботи шунчалик яхшиланади. Шартнома мажбуриятлари бажарилишига доир низолар камаяди. Низолар келиб чиқишининг сабабларини эса ўрганиш, уларнинг олдини олиш, қонунчиликни тарғиб қилиш доимий ишимиз. Шунингдек, идоралар ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилишига интилаяпмиз. Шундай қилинсагина жавобгарлардан мулкий зарарни ундириб бериш осонлашади. Шу ниятда хўжалик судида суд қарорлари ижросини таъминлаш бўйича доимий ишчи гуруҳининг йиғилишлари ўтказиб турилибди. Уларда прокуратура, ички ишлар, банк муассасалари ходимлари, ҳуқуқшунос-маслаҳатчилар иштирок этишмоқда. Келгусида жойларда аниқ режа асосида бундай тадбирларнинг ўтказиб борилиши иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда яхши самара беради, деган умиддаман.

Суҳбатдош:
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Тарғибот

ОШКОРА МУЛОҚОТЛАР

Президентимиз Ислом Каримов Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида ҳозирги пайтда олимлар, ҳуқуқшунослар олдида маънавият, маърифат ва мафкура борасида долзарб вазифалар турганини алоҳида таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, миллий мафкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний тарзда ифодалаб бериш ижтимоий соҳа мутахассислари, илғор фикрли зиёлиларнинг масъулиятли вазифаларидир. Шунингдек, юртбошимизнинг «Ҳушёрликка даъват» номли асарида таъкидланган йўл-йўриқлари ҳам Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида, шахсан Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилиб, фаолият кўрсатаётган Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ходимлари учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Марказ фаоллари яқинда миллий истиқлол мафкураси ғояларини омма орасида тарғиб-ташвиқ этиш, мустақилликнинг саккиз йили мобайнида эришилган тарихий ютуқларни кишилар онгига етказиш мақсадида Қашқадарё вилоятида хизмат сафарида бўлиб қайтди. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ходимларига таниқли ҳуқуқшунос олимлар, файласуфлар, иқтисодчилар, сиёсатшунос, адабиётчи ва тарихчилар ҳам ҳамроҳлик қилишди. Вилоятнинг Китоб ва Шаҳрисабз туманларида аҳоли билан уюштирилган учрашувлар, суҳбатлар, айниқса, замонавий услубда жиҳозланган «Умид» санъат саройида кечган жонли мулоқот жамоатчиликда катта таассурот қолдирди.

Марказ ходимларининг журналистлар, ҳуқуқшунослар, туманлар фаоллари, ўқитувчи, мураббийлар, маҳалла фаоллари, боғча тарбиячилари, тадбиркорлар, хўжалик раҳбарлари билан эркин, юзма-юз олиб борилган суҳбатларда йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг инсонпарварлик сиёсати, халқимизга кўрсатилаётган меҳрибончиликлар ҳақида "сўз юритилди. Учрашув иштирокчилари Тошкентда 16 февралда рўй берган мудҳиш воқеани тилга олишиб, Президентимизнинг мен фарзандларимни, ёшларимизни ҳеч кимга бермайман, улар менинг болаларим, уларнинг тарбиясини ўзимиз ташкил этамиз, деган дил амрини лишдик.

Пойтахтдан борган мутахассислар марказ фаоллари Китоб ва Шаҳрисабз туманларидаги тарихий обидаларни, Ҳазрати Башир, Хўжа Иноқ, Оқсарой сингари муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди, маданият ва маърифат масканларини бориб кўришди. Учрашувлар кутилгандай ўтишида Китоб ва Шаҳрисабз тумани раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари жонбозлик кўрсатишди. Бундай мулоқотларнинг мустаҳкамлиги, аҳолининг маънавий, ҳуқуқий савиясини юксалтиришда таъсирчан восита эканлиги яна бир бор исботланди.





Узоқ БОЗОРОВ,
Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази директори,
Аҳмаджон ЧОРИЕВ,
Тарих фанлари номзоди, доцент

ПУЛНИ СОМСА «ЕГАН»ЛАР ТЎЛАСА!..

Журналист суриштируви

Қонун устуворлиги ва ҳуқуқий давлатчиликнинг халқчил, одил ва мустаҳкам қошонаси аҳолининг туганмас куч-қудрати, саъй-ҳаракати ва салоҳияти билан бунёд этилади. Бироқ бу жараённи ҳуқуқ тартиботи ва қонун назорати идораларининг иштирокисиз тасаввур этолмаймиз. Таъбир жоиз бўлса, мазкур юмушга бошу қош маҳкамаларни ана шу жараённинг юраги, ҳаракатга солувчи мотори, дегимиз келади. Аммо бу олижаноб ният сўз билан ва ўзидан-ўзи амалга ошмайди. Бу йўлда тер тўкаётганлар аввалламбор ҳақиқат ва адолатни қилич қирққа айириб бўлсада, қарор топтиришни ўзларига мақсад ва инсоний бурч санамоқлари даркор. Қонун тизгини ўзганинг дардини ўз дарди деб билган, зарур келса ўзини улар ўрнида кўролган, қисматини ҳам, бахту иқболини ҳам идрок этолганлар илкига тушсагина олижаноб ғояларимиз тантанасига йўл очилади. Акс ҳолда...?

Мустақил жамиятимиздаги демократик ўзгаришлар кишилар қалбини тўлқинлантираяпти, эзгуликка, ватан фаровонлиги барқарорлигини ошириш учун фидойи меҳнат ва курашга чорлаяпти. Шундай бир даврда одамлар орасида «фалончи бинойидай инсон эди, ноҳақ қамашибди», деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Мўътабар қонунларимиз ва уларни муҳофаза этувчи маҳкамалар обрўсига путур етаётгандек бўлади, безовталанамиз.

Қадам Қурбоновнинг 40 йиллик умри Хоразмда кечган. Оддий ишчидан йирик корхона раҳбарлигигача ҳаёт йўлини босиб ўтган. Айни кезда жазони ижро этиш муассасасида «умргузаронлик» қилаяпти. 9 йилга озодликдан маҳрум этилган. Уни бир муштипар аёлнинг аризаси - дил ноласи боис яқиндагина сиртдан танидик.

...Инсон тақдири - қимматли неъмат. Унга кимлардир бефарқ, беписанд қарар, аммо қаршимиздаги маъзун эзилган, олий маълумотли ҳуқуқшунос, 4 фарзанднинг онаси бўлмиш аёл! Биз дили яра бир муштипарнинг қисматига қўл силтаб кетолмадик. Ҳуллас, Қадамбой Қурбоновни уни билганлар, таниганларнинг сўзларига қараб эмас, балки қоғоз ва ҳужжатлар, фактлар, далилларга қараб қашф этдик.

...Қадамбойни таниган-билганлар уни ерга урса, осмонга сапчийдиган, йиқилса бир сиқим тупроқ билан турадиганлар сирасига қўшишади. Энди билишимизча, у ўн ютуғини бир санайдиган, бир қусур кўрса ҳарорати ошадиганлар тоифасидан экан. Ҳар бир ишга қуйиб-пишиб, жонини жабборга бериб ёндашадиганлардан.

Пешонасида ёзиғи бор экан. 1998 йилнинг 11 июнидан жазосини ўтамоқда. 1999 йилнинг айни Наврўз айёми маҳали суд бўлди. Кўпчилик одамлар ажойиб сайлларга ошиқаётган бир пайтда уни ўзи кутганидек оқлаб уйига эмас, яна ўша қамоқхонага жўнатишди.Қадамбой Қурбонов «Урганч-гўшт» ҳиссадорлик жамиятига 6 ойгина - 1997 йилнинг июнидан декабригача раҳбарлик қилади. У корхонани қарийб 60 миллион сўмлик кредиторлик қарзи билан қабул қилиб олади. «Бу «юк»нинг зўриз-залворидан кечаларни мижжа қоқмай ўтказарди», ҳикоя қиладиган унинг турмуш ўртоғи, мухбирлик пунктимизга мурожаат қилган аёл, ҳуқуқшунос Лолахон Машарипова. Корхона ишчиларига неча ойлардан буён маош берилмаётгани, эрта-индин айнан синиш хавфи қилич ялангочлаб келиши эса дард устига чипқон. Қадамбой «Урганч-гўшт»ни «юргизиб» юбориш учун юқоридан қарз сўрайди. Аммо беришмайди. Бошқа таклифларни ҳам ўртага ташлайди. Лекин иноватга олишмайди. Сўнаётган корхонага мадад йўллари беркитиб ташланаётганидан дили ранжиган раис «Ўзгўштсутсаноат» концерни ва вилоят ҳокимлиги раҳбарларига хат, талаб, таклиф ва сўровлар билан мурожаат қилишдан барибир толиб-чарчамайди. Охири бўлмагач эса ўзини вазифасидан озод қилишни сўраб, концерн раиси Х.Муталов номига ариза битади. Аммо негадир унинг «аччиқ устида ёзган аризаси»ни от кечувга етганда, яъни корхонада ишлар жўнашиб, жамоага меҳнат ҳақи тўлаш йўлга қўйилган, қарзлардан қутулиш имкон-чоралари кўзга чалинаётган, шу билан бирга унинг раҳбарлиги даврида ҳосил бўлган дебиторлик тўловларини ундириш учун барча воситалар ишга солиниб, амалий натижалар намоён бўлаётган бир вазиятда, дарҳол иноватга олишади. Юқорида ишлар жўнашиб кетгани, ишчиларга маош тарқатиш бошлангани таъкидланди. Хўш, «ўтириб» қолган корхона бунга қандай муваффақ бўлди экан? Боз устига ваъда қилинган қарз ҳам берилмаган бўлса...?

Янги раҳбар қалтис ишга «бор, таваккал» дея қўл уради. Тошкент «Гўштсутсавдо» бирлашмаси билан шартнома тузиб, у ердан катта миқдорда гўшт харид қилиш бўйича манфаатли битимга эришилади. Бироқ пул бўлмаса, саломингга ким ҳам алик оларди? Шунда раиснинг эсига бу ерда муқаддам орттирган таниш-билиш лари бири, чапдаст шахс - Шаҳобиддин Йўлдошев тушади. Ундан мўмай маблағи бор корхоналарни топишда ҳамкорлик ва воситачилик қилишни сўрайди. Шаҳобиддин Тошкентдай шаҳри азимда бундай қўли узун корхоналар мавжудлигини яхши биладиган, улар билан тил топиша оладиган, ишбилармон йигит. Қолаверса, «Урганч-гўшт»нинг «Тошкентгўштсутсавдо»дан оладиган гўшт маҳсулотларини харид қилишга ҳозиру нозир «Люция плюс» хусусий фирмаси мутасаддиларининг яқин ва қалин «дўсти». Ҳуллас, у зарур миқдордаги валютани гаровга қўйиш эвазига корхона учун пул кўчиришни ваъда қилади. Начора, корхона ва жамоани сақлаб қолиш илинжи Қадамбойни қайнонасига тегишли 40 минг АҚШ доллари ва унинг ўтинчига кўра бирйўла бешта: 173, 174, 175, 176, 177-сонли «ишонч қоғоз»ларини бериб юборишади. Йўлдошев ҳадемай битта ишонч қоғози орқали мол олиб, уни «Урганч-гўшт»нинг тегишли харидорлари қўлига етказади. Учта: 175, 176, 177 рақамли ишлатилмай қолган қоғозларни қайтиб топширади. Қолган битта 174 рақамли ҳужжатни эса «йўқотиб» кўяди. Лекин раис ҳам анойи эмас. Йўлдошевдан ўша «йўқолган» ишонч қоғози учун қайта-қайта ҳисобот талаб қилади. Тайёрловчи эса раиснинг талабларига мужмал изоҳ, ваъда ва баҳоналардан нари ўтмайди. Ходимнинг бу оҳангдаги талмовсирашлари раисни саросимага солиб қўяди. Шу орада яна бир қинғирликнинг учи очилади. Машъум 174-сонли «ишонч қоғози» орқали «Тошкентгўштсутсавдо»дан қиймати 2 миллион 271 минг сўмга тенг бўлган 8620 кило гўшт олиниб, гумдон этилгани аён бўлиб қолади. Шаҳобиддин эса энди оёғи куйган товуқ каби тўрт томонга зир югуриб, тавба-тазарруга ўтади, тез кунлар ичида ўша гўштни сотишдан фаатларига зид айрим қинғирликларидан хабар топади ва уни пайсалга солмай ишдан четлатади. Бироқ «эски таниш» Ш.Йўлдошев ҳам фаришта эмасди. Раиснинг ишончини қозонгунча астойдил ишлади. Натижада «Тошкентгўштсутсавдо»дан олинган маҳсулотлар мижозларга тўхтовсиз етказилиб, пули ундирилиб турилади. Бундан кўнгли тўлган раис бироз хотиржам тортиб, Хоразмга қайтади ва қачонлардир тўхтаб қолган корхонани юргизиш тараддудини бошлайди. Бахтиёрнинг ўрнига тайинланган Шаҳобиддин эса пойтахтда гўшт олди-сотди савдосини давом эттиради. Биласиз, идоралар ўртасидаги олди-сотдилар «ишонч қоғози» орқали амалга оширилади. Тошкентлик Шаҳобиддиннинг гўшт олишдан олдин ҳар гал «ишонч қоғози» учун Урганчга келиб-кетиши озмунча чиқим сўрармиди? Корхона раҳбари Қ.Қурбонов ҳам, бош ҳисобчи Ж.Эшонов ҳам топшириқларни сидқидилдан адо этаётган Йўлдошевга «Ке, Тошкент билан Хоразм орасида бўзчининг мокисидек қатнаб оввора бўлиб юрмасин», дея пулни ўрнига қўйиш ҳақида ваъдалар беради. Бунисига ҳам майли. Пул ғазнага қайтар. Аммо Йўлдошев томонидан гарчи пули тўла тўланмаса-да, бир неча ташкилотга насия тариқасида бериб юборилган молнинг тақдири нима бўлади? Ана шулардан боши қотган раис ягона тўғри йўлни танлайди. Корхонанинг ундирилмай қолган жами 3 миллион 143 минг 238 сўм пулини ундириш юзасидан Тошкент шаҳар Хўжалик судига даъво аризаси, Хоразм вилоят прокурорига эса шикоятнома билан мурожаат қилади, қарзларни ундиришда мадад сўрайди. Машъум 174-сонли «ишонч қоғози» орқали номаълум кимсаларга ўзбошимчалик билан Йўлдошев томонидан сотиб юборилган 2 миллион сўмлик гўштнинг пулини эса ҳаялламай топширишни талаб қилиб, тайёрловчини ҳоли-жонига қўймайди. Хўжалик суди «Урганч-гўшт»нинг талабини иноватга олиб, тегишли ташкилотлардан 3,1 миллион сўмлик қарзни ундириш юзасидан қарор чиқаради. Бироқ аллақачон Йўлдошевнинг жиғилдонидан ўтиб кетган 2 миллион сўм пул ҳадеганда унавермайди. Шунда бошқа ҳеч киммас, Қурбоновнинг шахсан ўзи прокуратурага мурожаат қилади, тайёрловчи томонидан содир этилган қаллоблик ва товламачиликни фош этади. Бунгача содир бўлган бошқа бир хатти-ҳаракат 151-сонли «ишонч қоғози» орқали «Тошкентгўштсутсавдо»дан олинган нархи 461 минг 315 сўмлик 1988 кило гўштнинг беиз йўқолгани ва бу ишнинг бошида турган собиқ тайёрловчи Б.Рўзиматов уни Ш.Йўлдошевга топширдим, дея айтган важидан эса тергов маҳалидагина хабар топиб, унинг ҳақиқатга нечоғли мослигини аниқлаб, қонун бузилишига нисбатан тегишли чора кўрилишини ҳам қатъий талаб қилади. Талон-тарож этилган ва ундирилмай турган дебиторлик маблағини корхона ғазнасига қўйиш учун ўзи ҳам тинмай елиб-югуради. Бу воқеалар кўз очиб-юмгунча - узоғи билан 2 ой орасида рўй беради. Агарда Қурбоновга имкон беришса, жамоа мулки - бойлигини ўз эгалари қўлига қайтармай, раислик курсисидан бир қадам ҳам нари жилмасди. Бироқ кутилмаганда, Тошкентдан раиснинг ишдан бўшатилганлиги ҳақида буйруқ келади. Бу корхона бойлигини хомталаш қилган ҳар иккала қаллоб Б.Рўзиматов ва Ш.Йўлдошевларнинг тегирмонига сув қуяди. Улар ҳар мақомга йўрғалаб, собиқ раҳбарни ўзларига шерик қилиб кўрсатишга уринадилар. Тўғри-да, ўзлари ўзлаштирган мўмайгина пулнинг ақалли бир қисминида собиқ раиснинг ғарданига юклай олишнинг ўзи улар учун қўш ғалаба. Биринчидан, прокуратурага ва судга чаққани учун собиқ «акахон»идан боплаб ўч олишади, иккинчидан, жиноят юкининг бир қисми уларнинг ғарданидан собиқ раиснинг елкасига ўтади.

Тергов маҳали Б.Рўзиматовнинг жиноий хатти-ҳаракатлари негадир тасдиқланмади. «Жавобгарлигимдаги 1988 кило гўштни Ш.Йўлдошевга топширганман» дея қутулиб кетди. Лекин Қадамбойга чиндан ҳам жабр бўлди. Ҳар иккала қаллоб муродига етди. Тўғри, Йўлдошев суд маҳали Қурбоновга туҳмат қилганини, аслида жиноятни якка ўзи содир этганини тан олади. Бироқ унинг бу кўрсатмаларини суд иноватга олмади. Қизиқ!

Қурбонов гарчи раҳбарликдан кетган бўлса-да, устида тўпланаётган қора булутларни кўриб, корхонанинг ундирилмай қолган 4 миллион сўмдан ошиқ дебиторлик қарзини ундиришга эришади. Қолган 3,1 миллион сўмлик қарз ҳам албатта ғазнага кирган бўлурди. Қурбоновнинг қамалиши қарзларни узиш жараёнини тўхтатиб қўяди. Қаллоб Ш.Йўлдошев томонидан ўзлаштириб кетилган 2 миллион сўмлик маблағни эса ҳарчанд уринса ҳам барибир корхонага қайтара олмайди. Аммо ўзининг жиноятчи эмаслиги, ҳатто уларнинг шериги ҳам бўлмаганлигига тааллуқли барча ишонарли ҳужжат ва далилларни терговчига тақдим этади. Афсус! Уларнинг аксарияти ўта ишончли, жиддий ва мантиқан асосли бўлса-да, терговчи томонидан тан олинмайди. Аксинча, унга пулларни Йўлдошев билан бирга ўмаргансиз, деган даҳшатли айб қўйилади. Қурбоновнинг юриш-туришига бироз синчиклаб, инсоний фазилатларни доирасида разм солинмайди. Яна, афсус! Терговчи Қурбоновдан фазилат эмас, қусур ахтаришда давом этади. Ҳатто уни порахўр, сохтакор, жиноий гуруҳ раҳнамосига ҳам айлантиради. Хайриятки, суд буни эътироф этмади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 210-моддаси бўйича тергов томонидан тақалган айб олиб ташланди. Уни мазкур кодекснинг мақоламизда айтилган модда ва қисмлари билан айблашди.

Бироқ бунда ҳам назаримизда, бироз юзакиличиликка йўл қўйилди. «Урганч-гўшт»нинг раҳбари жамоа манфаатларини кўзлаган ҳолда, ўз қайнонасига тегишли 40 минг АҚШ долларини корхонага пул маблағлари туширилиши эвазига гаров сифатида Ш.Йўлдошевга бериб, қонуннинг бузилишига йўл қўймаганди. Негаки, валюта бойликлари билан қонунга хилоф ҳолда муомала қилинганлиги учун жавобгарлик чоралари белгиланган 177-моддада мазкур бойликни бировларга гаров тариқасида бериш уни жазога тортиш учун асос бўлмайди, дея аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Лекин негадир терговчи ҳам, кейинчалик суд ҳам ана шу талабни «пайқамай» қолишади. Оқибатда, раис содир этмаган ҳаракати учун жавобгарликка тортилади. Хўш, қонун талабларини Қурбонов буздими ёки унга моддани тақаганларми?

Суд ҳукмидан кўчирма (у терговчининг айблов хулосасидан кўчирилган): «**Қурбанов К.И... ўзининг жиноий шериги Юлдашев Ш.М., воситачилигида Тошкент шаҳрида жойлашган «Вальник» хусусий корхонаси билан ушбу корхона раҳбари Потапова В.Б. иштирокисиз 19.12.1997 йил, «Вальник» хусусий корхонаси раҳбарини** (ажабо, бундай имловий хатоларнинг чеки борми-кан?) **имзоси ва фирма мухри булмасада №77 сонли «Вальник» корхонасига гушт етказиб бериш хакидаги шартномани имзолаган...»** Ёки яна бир кўчирма: **«...Курбонов К.И. «Урганч-гушт» хиссадорлик жамиятининг раиси лавозимида ишлаб туриб, мансаб сохтакорлиги килиб, яъний гаразгўйлик манфаатини кузлаб, расмий хужжатларга била туриб, сохта маълумотлар, езувлар киритиб, 20.12.1997 йил куни №.00391 сонли «Дневной заборный лист»да 20753 кг. 2.817.286 сумлик гушт махсулотини... берилмаган булсада... берилган деб, сохта маълумот... киритиб... Уз.Р.ЖКнинг 209 моддаси 1 қисмида курсатилган жиноятни содир килади»** (бу сингари ғуж-ғуж имловий ва маънавий хатолардан қачон халос бўлишаркин?)

Агар эътибор бериладиган бўлса, ҳар иккала кўчирмада ҳужжатлар 1997 йилнинг 19 ва 20 декабр кунлари расмийлаштирилганлиги баён этилган. Ё, алҳазар! Ўша воқеадан анча илгари - 1997 йилнинг 4 декабрида ишдан озод этилган ва шундан сўнг корхонага бирон марта қадам босмаган Қурбонов бундай ноқонуний ҳужжатларни қандай расмийлаштира қолдийкин? Боринг, расмийлаштирди ҳам дейлик. Ахир, у ҳолда бу ҳужжатнинг сариқ чақачалик ҳам қиммати йўқ-ку! Ваколатсиз шахс томонидан имзоланган қоғозни ҳужжат деб бўладими? Бу ҳолат ўз вақтида терговчининг ҳам, суднинг ҳам эътиборидан четда қолгани ажабланарли эмасми?

Яна бир ҳолат. Айбланувчи Қ.Қурбонов терговнинг бир томонлама ва нохолисона олиб борилаётгани, ўз ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилаётгани юзасидан юқори прокуратура идорасига қайта-қайта мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 76-моддасига биноан терговни бошқа холис ходим зиммасига юклашни илтимос қилган. Таассуф. Унинг бу илтимосига «лаббай» дея жавоб бергувчилар топилмаган. Бошқа бир ғалати манзара - Қурбоновнинг умр йўлдоши Л.Машарипованинг салкам 20 та шикоятига муносабат, аниқроғи муносабатсизлик уларнинг бари Қ.Қурбоновга нисбатан бир ёқлама тергов юргизилаётгани хусусида битилиб, уни адолатли олиб бориш ўтинчи баён этилганди. Лекин улар ўрганилиш ўрнига Хоразмга - вилоят прокуратурасига шундоққина юборибгина турилган, холос. Хоразм прокуратурасидагилар ҳам бундай «тааллуқли» хатларни ҳафсала билан орқага - келган жойига қайтаришдан эринишмаган. Ҳуллас, Қ.Қурбоновга Жиноят Кодексининг 167, 177, 209-моддалари билан айб эълон қилинди. Бу билан биз Қурбонов бутунлай айбсиз деган фикрдан йироқдамиз. Унинг айби, ҳосил бўлган (лекин, ҳали муддати ўтмаган) дебиторлик қарзларини ўз вақтида ундириб ололмаганлигида. Аммо ҳали бу - жиноят дегани эмас, чамаси.

Саволлар, мулоҳаза ва фикрлар... Беихтиёр ҳаёлимизни йўлбошчимизнинг ҳуқуқ тартиботи идоралари ходимларига қарата, «Менинг халқимни ҳар хил адолатсизликлар, қонунбузарликлардан ҳимоя қилингиз», қабилида бир неча бор қилган даъвати, жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ўтаётганларга нисбатан авф эълон қилиш бўйича чиқарган фармонлари, бир тоифа ватан хоинлари, ақидапараст гумроҳларни, агар улар ўз жиноий қилмишларини бўйнига олиб келсалар жазодан озод қилиш ҳақидаги баёноти қамраб олади. Олий Суднинг шу йил 14 май Пленуми ҳам назаримизда барча қонуншунослар учун бир сабоқ бўлмоғи, амалий фаолиятга ундамоғи даркор. Маълумингизким, унда давлатга, жамиятга, оддий фуқароларга етказилган моддий ва маънавий зиён ўз вақтида қопланса ёки бундай зарарлар бевосита дахлсиз шахслар томонидан етказилган бўлса, уларни жазодан озод этиш, енгилроқ жазо тайинлаш масаласи ечим топиб, барчанинг дилидаги қонуний ва адолатли қарор қабул қилинган эди.

Журналистик текширувимиз чоғида Қ.Қурбоновни на инсон, на раҳбар, на мутахассис сифатида қоралайдиган, номига доғ туширадиган важларни тополмадик. Балки бу ҳам табиийдир! Балким терговчи Исаев ёки суд мутасаддиларининг маҳорати етишмагандир? Қурбонов ҳақида билган, таниган, эшитганларидан нуқул ижобий фикрлар эшитдик. Афсус, суд ва тергов жараёнлари ва ниҳоят, Олий Суднинг шу йил 21 июн қарори ҳам унинг уйғонган баъзи умидларини пучга чиқарди. Таассуф.

...Қ.Қурбонов ҳозир қонуний кучга кирган жазони ўтаяпти. Унинг аёли, 4 нафар норасида фарзанднинг онаси Л.Машарипова эса ишсиз. У терговчи З.Исаевнинг «терговга аралашди», деган шубҳагумонларига асосан «ўз аризасига мувофиқ» прокуратурадан ишдан бўшаб кетган. Қизиқ, оилада Қ.Қурбоновнинг қамалгани озлик қилганмиди?

Ҳақиқат ва адолат бор, мавжуд. Уни ҳеч ким бўғолмайди, синдиролмайди. Истардикки, тергов хулосаси, суднинг айблов ҳукми ҳеч қачон шахсий ўй-фикрларга асосланиб ва чувалиб қолмаслиги керак.

Қурбоновлар оиласи айнан ана шундан умидвор. Бизнинг ҳам ягона мақсадимиз: ҳар ким экканини ўрса, еган сомсасининг ҳақини ўзи тўласа... Бунга, такрорлайман, мутлақо шубҳамиз йўқ.

Абдулла СОБИРОВ,
журналист

ҚОНУН-МЕТИН ҚОЯ

уни бузмоқчи бўлганнинг ҳолига вой-а!

«Ҳуқуқ ва бурч» танловига

Халқимизда «Тўғри гап туғишганингга ёқмайди», деган нақл бор. Йигирма беш йиллик иш стажига эга, олий тоифали доришунос, ўн икки йилдан буён «Ал-Розий» номли 1-сонли дорихонанинг провизор-технологи М.Нуралиева ишдан бўшатилди. Қизиғи шундаки, буйруқ чиққан куни у саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли жамоа мажлисида қатнашмаган. Буни 577885-сонли касаллик варақаси ҳам тасдиқлайди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1998 йил 17 апрел қарори ҳамда Меҳнат Кодексининг 100-моддасида акс этганидек, ходимнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги даврида меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Аммо қонуннинг бу талаби М.Нуралиевага келганда «ишламай қолди». Унинг бўшатилиши сабабларидан бири эса дорихонада йўл қўйилаётган қонунга хилоф ишлар ва бошқа кўзбўямачиликларни рўйрост айтгани бўлди.

Бундай «маҳмадона»чилик дорихона раҳбарлари бўлмиш Х.Абдуллаев, М.Шожалилова ва М.Низомоваларга ёқмайди. Шундан сўнг улар «ҳақиқатгўй»ни ишдан бўшатиш пайига тушадилар. Дорихона маъмурияти 1998 йил 30 июндаги 46-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисм 4-бандига биноан «Жамоада носоғлом муҳитни вужудга келтирганлиги, раҳбарларга нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги...» ва бошқа бир қанча камчиликларни (?) рўкач қилиб, М.Нуралиева билан меҳнат шартномасини бекор қилади. Бундан норози бўлган Нуралиева касаба уюшмалари, суд, прокуратура органлари ва бошқа юқори идораларга ишдан ноқонуний бўшатилгани, вазифасига тиклаш лозимлиги, мажбуран бекор юрган кунлари учун ойлик маош тўланишини, моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўраб мурожаат қилади. М.Нуралиеванинг даъво аризаси дастлаб Яккасарой туман суди судьяси У.Абдумуродов томонидан рад этилади. Бундай қарор билан келишмаган даъвогар Тошкент шаҳар судига арз қилади. Бу ерда ариза қаноатлантирилади, иш қайта кўриш учун 1999 йил 25 февралда суднинг янги таркибида муҳокама қилиниши кўрсатилиб, ажрим чиқарилади.

Иш Яккасарой туман судида қайта кўрилаётган пайтда ғаройиб воқеа содир бўлади. Дорихонада ишловчи бир гуруҳ ҳамкасблар «Ҳуррият» газетасининг 14 апрел сонида «Ишлашга имкон беринг, яхшилар!» мақоласини «Мактуб» рукни остида чоп этишга улгурадилар. «Қўрққан олдин мушт кўтарар» деганларидек, мақола муаллифлари ҳали тасдиқланмаган, объектив текширилмаган, суднинг қарори чиқмаган пайтда газетага мақола кўтариб келадилар. Мактуб-мақола шошма-шошарлик билан газетада босиб юборилади. (?) Нима, бу судни чалғитишми ёки ...? Бу ёғини билолмадик. Аммо... «Ҳуррият» газетаси «сал шошилганлик»ни тан олиб, 28 апрел сонида мақола «қаҳрамони» М.Нуралиева ва адолатсизлик жабрини тортган доришунослар М.Бобоева, Д.Мирзаахмедоваларнинг «Мақола ёзишга шошилманг!» раддия-хатини чоп этади.

Ниҳоят, суд М.Абдужабборов раислигида даъвони қаноатлантиради.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши меҳнат низолари бўйича ҳуқуқий назоратчиси Л.Ҳасанова ҳам дорихона маъмуриятининг буйруғида келтирилган ҳолатлар «меҳнат интизоми бузилган» деб нотўғри баҳоланган, шу боис интизомий чора кўришга асос бўлиб хизмат қилмаслигини таъкидлаб, судга ўз хулосасини тақдим этган. 1999 йил 21 июн куни Суд ишни батафсил ўрганиб, қатор қонунбузилишлар содир этилганлигини аниқлайди ва М.Нуралиеванинг даъволарини асосли деб топади. Шу сабабли «Ал-Розий» номли жамоа мулкига қарашли 1-дорихона маъмуриятининг буйруғини ҳақиқий эмас, деб эътироф этади ва даъвогарнинг ишга тикланиши, унга ишсиз юргани учун ойлик маоши ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида қарор чиқаради. Шундай бўлса-да, дорихона раҳбари М.Шожалилова М.Нуралиевани ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажаришдан қайсарларча бош тортишни давом эттиради.

Хўш, «Ал-Розий» номли жамоа мулки ҳисобланган дорихонада нега бунча шов-шув кўтарилди, дерсиз? Ҳамма гап хусусийлаштириш пайтида юз берган қонунбузарлик, дори-дармонларнинг назорат-таҳлил текширувисиз ва Фармқўмита рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда сотишдаги кўзбўямачиликлар, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик ва ноқонуний ишдан четлатишлар натижасида 56 нафар ходимнинг ҳуқуқи поймол этилганлигидан келиб чиққани, булар суд ва прокуратура органлари томонидан аниқланганига бориб тақалади.

Тошкент шаҳар прокурори М.Наимов юқоридаги қонунга хилоф ишларга йўл қўйган шахсларнинг ишини кўриб чиқишни сўраб Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилади. Судья И.Насриев томонидан бу талаб рад қилингач, Тошкент шаҳар прокуратураси Республика Олий хўжалик судига апелляция шикояти киритади. Яъни, «Ал-Розий» жамоа мулкидаги 1-сонли дорихонага бериилган Тошкнт шаҳар Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 1994 йил 23 июндаги 454-сонли буйруғини, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи 538-сонли Давлат ордерини, шунингдек, 1994 йил 26 декабрдаги 1187-сонли буйруғини, 1892-сонли ордерини бекор қилиш ҳамда 1994 йил 7 июлдаги Яккасарой туман ҳокимининг 1126-сонли рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорини ва «Ал-Розий» номли дорихона жамоасининг 1994 йил 10 майдаги низомини ҳақиқий эмас, деб топишни сўрайди.

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида, судлов ҳайъати раиси С.Абилов, аъзолари И.Есемуротов ва Ш.Султоновлар таркибида кўрилади ва қонуний асосланган хулосасини эълон қилади. Қаранг, аҳвол қай даражада бўлган ва фактлар нималарда ифодаланган экан:

Тошкент шаҳар «Дори-дармон» давлат акционерлик жамиятига қарашли 1-сонли дорихона меҳнат жамоасининг мулкини хусусийлаштириш тўғрисидаги аризаси, Тошкент шаҳар мулк бошқармасига 1994 йил 13 июнда берилган. Ушбу аризага илова қилинган меҳнат жамоасининг баённомасида 58 ходим ишлаётганлиги, имзо қўйиш варақасида 50 нафар (?) ходим иштирок этганлиги кўрсатилган.

Ўзбекитан Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 1994 йил 23 июндаги фармойишига асосан 1-сонли дорихона жамоа мулкига айлантирилгач, 1994 йил 27 июнда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер топширилган ва шу йилнинг ўзида Яккасарой туман ҳокимининг қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган. Аслида эса, 1-сон дорихонани хусусийлаштириш пайтида 58 нафар ходимдан 50 нафари иштирок этганлиги факти сохта бўлиб чиқади. Унга атиги 24 нафар ходим таклиф қилиниб, фақат шулар ўртасидагина маблағ йиғилган. Ҳатто улар Давлат қўмитасининг жамоа мулкини хусусийлаштириш тўғрисидаги фармойишидан олдин, яъни 1994 йил 21 июндан мулкнинг баҳосини тўлаб қўйишган бўлиб, қолган 56 ходимнинг ҳуқуқи поймол этилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 мартдаги 132-сонли «Дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қарорининг 8-бандига асосан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шакларидан қатъий назар, дорихона муассасаларини сотиб олувчи юридик ва жисмоний шахсларга маълум имтиёзлар берилган бўлса-да, объектларни сотиб олиш баҳосини аниқлашда ҳукуматнинг 1993 йил 1 июн қарори амал қилиши хусусийлаштирилаётган дорихона муассасаларига тадбиқ этилмаган, яъни меҳнат жамоасининг комиссия аъзолари ва 24 нафар ходими бошқа жамоа аъзоларига тушунтириш бермай, ноқонуний равишда ўз улушларини қўшиб хусусийлаштириб олганлар.

Дорихонага тегишли фармойиш ва мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерини беришга асос қилиб олинган йиғилишда 24 нафар ходим қатнашган, холос. Устига-устак 1994 йилнинг май ойида 1-сонли дорихона ходимлари 82 кишини ташкил қилиб, шулардан 2 ходим ўринбосарлик асосида ишлаб келган, 20 ходим эса ҳомиладорлик таътилида бўлган. Демак, қонун талабига кўра, илова қилинган имзолар рўйхатида дорихонани хусусийлаштириш тўғрисида 82 ходимнинг фикрлари инобатга олиниши, хусусийлаштириш давридаги пай бадали 80 кишига тенг баравар бўлиниши керак эди. Жамоага кириш истагини билдирмаганларнинг пай бадаллари эса бошқа ходимларга таклиф қилиниб, мажлис баённомаси билан расмийлаштирилиши, уларнинг ёзма аризалари баённомага илова қилиниши шарт эди. Натижада дорихона мулки ва биноси 24 ходим ўртасида тақсимланиб юборилган.

Дорихонани хусусийлаштириш тўғрисидаги далолатнома 1994 йил 27 июнда берилганига қарамасдан, жамоанинг Низоми қонунга хилоф равишда 1994 йил 10 майдаёқ, олдиндан «аванс»га жамоа томонидан қабул қилиниб юборилган.

Ҳуллас, Олий хўжалик суди...

Суд қароридан кўчирма:

«Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 187 ва 189-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л а д и:

Тошкент шаҳар прокурорининг протести қаноатлантирилсин.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ушбу иш бўйича қабул қилган 1999 йил 26 мартдаги ҳал қилув ва 1999 йил 19 майдаги апелляция босқичидаги қарорлари бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан чиқарилган фармойиши, 1994 йил 27 июндаги хусусийлаштириш ордери, 1994 йил 1187-сонли фармойиши ва 1892-сонли ордери, шунингдек Яккасарой туман ҳокимининг 1994 йил 7 июлдаги 1126-сонли қарори, «Ал-Розий» номли 1-сонли дорихона жамоасининг 1994 йил 10 майдаги Низоми ҳақиқий эмас, деб топилсин.

Қарор қатъий ҳисобланади».

Ниҳоят, ҳақиқат қарор топди... Олий хўжалик судининг тажрибали қонуншунослари бу чигал ишга адолат нуқтаи назаридан ёндашиб, даъвогарларнинг қонуний талаби қаноатлантирилди. Бироқ... дорихона раҳбари М.Шожалилова ҳанузгача Яккасарой туман судининг асосли қарорини бажармасдан келаяпти. Яъни, М.Нуралиеванинг ишсиз юрган вақти ва маънавий зарарни тўлашдан бош тортиб келаяпди. Бунга суд ижрочиларининг 1999 йил 14 июлдаги далолатномаси ҳам шоҳид. Шу ўринда бироз мулоҳаза юритишга тўғри келади. Даъвогар М.Нуралиева ўзи ва ҳамкасбларининг ҳуқуқи поймол қилингани учун адолат истаб бир йилдан зиёд вақт сарсон бўлиши шартмиди?! Бу орада қанча асаббузарликлар келиб чиқмади дейсиз?

Дорихона раҳбари М.Шожалилова ва касаба уюшмаси раиси М.Низомова, бўлим бошлиқлари С.Сирожиддинова ва унинг ўринбосари М.Маннонова ларнинг бир эмас, бир неча маротаба қонунга хилоф иш тутганлари очилиб қолди-ку! Улар қонунни четлаб ўтиш учун қанча ҳийла ишлатдилар-а! Улар бундай қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришлари керакдир? Тегишли ваколатли идоралар бу ҳолатга қандай муносабат билдиришаркин? Шарқнинг буюк алломаси Абу али ибн Сино «Адолат инсон хатти-ҳаракатининг энг яхши безагидир» деб бежиз айтмаган. Бу жамиятда қонунга итоат қилиб, адолатли иш олиб борган инсон ютқазмайди. Зеро, қонун барчага баравар. Нима дедингиз?!

Азамат СУЮНОВ,
журналист

Ҳуқуқий ёрдамлар

ШАРТНОМАВИЙЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ хўжалигида молиявий аҳволни мустаҳкамлаш кундалик долзарб вазифамизга айланиб қолди. Республикамизнинг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан тўлов қобилиятини йўқотган, иқтисодий ночор қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий аҳволини яшилашга қаратилган самарали чора-тадбирларни изчил амалга ошириш имкониятлари вужудга келтирилди.

Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида Самарқанд вилояти бўйича зарарга ишлаб келган 9 та корхонага нисбатан санация қўлланилган.

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари ушбу корхоналарга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан бирга «Санация - кўмаклашиш дегани» сарлавҳа остида ҳуқуқий қўлланма тайёрлаб, кўп нусхада чоп эттириб, хўжаликларга етказиб берди.

Ходимларимиз жорий йилнинг 1-ярмида санация қўлланилган корхоналар билан тайёрловчи идоралар ўртасида тузилган 470 та 346114606 сўмлик ташқи шартномалардан 63030982 сўмлик 5 тасини ёки хўжаликлар ичида тузилган 572966865 сўмлик 2649 та ички шартномалардан 4001700 сўмлик 66 тасини бевосита амалдаги қонунларга мос равишда расмийлаштиришда ёрдам кўрсатди, нотўғри тузилган 6216930 сўмлик 54 та шартнома қайта туздирилди.

Ходимларимиз ёрдамида муддатида бажарилмаган 88 та шартномалар бўйича 3254120 сўмни ундириш ҳақида талабномалар тайёрланиб, қарздор ташкилотларга юборилди. Пастдарғом тумани «Хончорбоғ» жамоа хўжалиги номидан 400 минг сўмлик 1 та, Челак тумани П.Нурмонов номли жамоа хўжалиги номидан ички шартномалар бўйича 617490 сўмлик 30 та, Каттақўрғон тумани «Мойбулоқ» жамоа хўжалиги номидан 405282 сўмлик 45 та талабнома шулар жумласидандир. Агар хўжаликлар ўз қарзларини ихтиёрий тарзда тўламасалар, ҳужжатлар даъво тариқасида хўжалик судларига юборилиши кўрсатиб ўтилди. Таъкидлаш жоизки, бугунгача 4380873 сўмлик 8 та даъво қўзғатилган, уларнинг аксарияти вилоят хўжалик судида кўрилиб қаноатлантирилган. Масалан, Каттақўрғон тумани «Мойбулоқ» жамоа хўжалиги 1998 йил 14 январ шартномасига мувофиқ 710 тонна пахта ашёси учун 3383949 сўм дебитор қарзини «Каттақўрғон пахта» акциядорлик жамияти ўз вақтида тўламаган. Ариза суд қарори билан қаноатлантирилди.

Ўтказилган текширувларда контрактация ва бошқа шартномаларни тузиш аҳволи ва мажбуриятларининг бажарилиши натижаларига кам эътибор қаратаётганликлари аниқланиб, жиддий қонунбузилишларига йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига нисбатан туман ҳокимлари номига тақдимномалар киритган эдик. Улар тегишлича муҳокама қилиниб, камчиликлар бартараф этилганлиги, тегишли тадбирлар белгиланиб, масъул ва мутасадди ходимлар огоҳлантирилганлиги ҳақида хабар олдик.

Асосий сабаб мутасаддиларнинг қонун ва шартномавийлик ҳақидаги ҳужжатлар туб моҳиятини тўғри англаб етмаганликлари эканлигига ишонч ҳосил қилаяпмиз. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши қонунда белгилаб қўйилганлигини ҳар бир хўжалик юритувчи субъект раҳбари чуқур ҳис қилмоғи кераклиги йўлида ишларни қайта кўриб чиқаяпмиз. Йўлбошчимизнинг «Шартнома тузиш маданиятини, шартномалар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтаришимиз керак» деган талабларига қатъий риоя қилган ҳолда иш тутаяпмиз.

К.ТОҒАЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Ҳунар шундай отдирки, у минган кишини роҳат ва эътибор манзилига етказади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Сафар Янгибоевич НАЗАРОВ

Республика ҳуқуқшунослари жамоаси оғир жудоликка учради. Таниқли суд ва прокуратура ходими, истеъдодли юрист Сафар Янгибоевич Назаров оғир бетобликдан сўнг 52 ёшида вафот этди.

С.Я.Назаров 1947 йил 10 январда Сирдарё вилояти Ховос туманида деҳқон оиласида туғилди. Ўрта мактабни 1964 йилда Боёвут туманида битирди. Меҳнат фаолиятини шу йили мазкур туман судида котибликдан бошлади ва 1965 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетига сиртдан ўқишга кирди. 1966-67 йилларда Боёвутдаги мактаб-интернатда ўқитувчилик қилди, сўнг бир йил электр тармоқлари идорасида шофёр, 1968-71 йиллар мобайнида педагоглик фаолияти билан шуғулланди. 1971 йилда ҳуқуқшунослик олий маълумотини олди, шу йили ҳарбий хизматга чақирилди. 1972 йилда хизмат бурчини ўтаб қайтган Сафар Назаров бир йил Боёвут туман судида суд ижрочиси бўлиб ишлади ва 1973 йилда Фарғона вилояти Марғилон шаҳар прокуратурасига прокурор ёрдамчиси лавозимига тайинланди. Сал ўтмай Ўзбекистон туман прокуратурасида терговчи, 1974-75 йилларда Сирдарё вилоят прокуратураси тергов бўлими прокурори, Шароф Рашидов туман прокурорининг ёрдамчиси вазифаларида ишлади. 1975-78 йилларда Гулистон туман судининг раиси, 1978-81 йилларда Ш.Рашидов тумани прокурори, 1981-85 йилларда Гулистон шаҳар прокурори, 1985-88 йилларда Сирдарё туманлараро прокурори, сўнг 5 йил Сирдарё вилоят судининг раиси, тағин 5 йил Самарқанд вилоят прокурори, 1998 йил 6 апрелидан 1999 йил июлигача Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 1-ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди. Оғир бетоблиги туфайли вазифасидан озод этилган С.Назаровни 1999 йил 7августкуни бевақт ўлим орамиздан олиб кетди.

Барча лавозимларда масъулият ва сабот билан ишлаган, кўпгина шогирдлар тарбиялаган, адолат билан қонунийликни ҳамроҳ қилиб фаолият кўрсатган, яхши инсон деган номга сазовор бўлган, самимий дўст ва меҳрибон хонадон соҳиби Сафар Назаровнинг хотираси барчамизнинг қалбимизда қолади.

Дарҳақиқат, ажойиб инсон ва яхши ҳамкасб эдингиз, Сафар Янгибоевич, руҳингиз шод, ётган жойингиз юмшоқ бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси, бир гуруҳ дўстлари ва ҳамкасблари

ОҒУФУРУШЛАР ҚИСМАТИ

Прокурор минбари

Гиёвандлик - аср вабоси. Ўз иродасини жиловлай олмай, бангилик тузоғига тушганлар соғлом ақл ва тафаккурдан, одамийлик қиёфасидан жудо бўлиши турган гап. Бангифурушлик оқибатидан мўмай даромад топиш пайига тушганлар ҳар қандай тубанликдан тап тортмайди.

Суд томонидан хавфли рецидивист деб топилган Илҳом Примов ҳали 40 ёшга ҳам етмаган. У 1993 йил 11 майида бир марта гиёвандликка аралашиб 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эди. Тузалмади. 1997 йил 28 апрелида тағин қўлга тушиб судланди. Бу кимсанинг ўзига берилган жазолардан тегишли хулоса чиқариб олишга иродаси етишмади. 1999 йил 9 мартда Бахтиёр Носиров деган шахсга «опий» гиёванд моддасини пуллаётган вақтда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Балким уни гўргача турма тузатар.

Авлоёр Эшдавлатов деган яна бир нусха Шаҳрисабз шаҳридаги ўзи яшайдиган уйнинг ҳовлисида таркибида наркотик моддаси бўлган ўсимликни қонунга хилоф равишда экиб, ишлов бераётганда фош этилди. Унинг гиёванд моддаларни «Беломорканал» папиросига жойлаб оғуфурушлик қилганлиги ҳам очилиб қолди. Қашқадарё вилоят суди Авлоёр Эшдавлатовни 14 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш билан «сийлади».

Кузатув ва таҳлилларимиз кўрсатадики, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларга, гиёвандликка қарши курашда кенг жамоатчилик ўз ҳиссасини қўшсагина оғуфурушлар йўлига қаро чизиқ тортилган бўларди.

М.ЎЗБЕКОВ,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманлараро прокурори

АМАЛИЙ ИШЛАР ДАВРИ

Хоразм томонларда

Оқилу доно одамларнинг турмуши ҳамиша оддий ва енгил кечади. Юрар йўлдан тойганлар, адашганлар учун эса у зимистон, жаҳаннамнинг ўзгинаси. Бундайлар бориб-бориб чоҳга қулайдилар, наинки ўзлари, балки бошқаларни ҳам тортадилар, йўлдан оздиришга ҳаракат қиладилар.

Огоҳлик ва ҳушёрлик сингари инсоний фазилатлар эса барча фалокатларнинг кушандаси. Кимнинг кимлигини англайдиганлар ҳаётда ҳамиша собит ва ҳушёр турадилар.

Хоразм вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Миллатлараро ва конвенциялар асосида давлатлараро ҳамжиҳатлик — баркамоллик омили» мавзуида ўтказилган давра суҳбати ана шу кенг қамровли мавзуга бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессияси якунлари, унда Президент Ислом Каримовнинг маърузасида кўрсатилган долзарб вазифалар, йўл-йўриқ ва қоидалар ҳамда буларни амалиётга жорий этиш масалалари атрофлича ўрганилди. Халқ бирлиги жамоатчилик ҳаракати вилоят кенгаши раиси, академик А.Саъдуллаев, Корейс миллий маркази, вилоят бўлими раҳбари Э.Пак, Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази вилоят бўлими раиси Г.Ибодуллаева, Республика Мусулмонлари диний идорасининг вилоятдаги вакили А.Саидов умуммиллий ва умуминсоний қадриятларни рўёбга чиқариш соҳасида вилоятда амалга оширилаётган тадбирларнинг мақсад ва моҳиятига тўхталдилар.

Анжуманда ғоявий-мафкуравий ишларни замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, уни амалиётга тадбиқ этиш чора-тадбирлари белгиланди.

ҲУҚУҚИЙ САВИЯ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

Хоразм вилояти ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари ва масъул ходимларининг ҳоким Ислом Бобожонов билан мулоқот-учрашуви бўлиб ўтди.

Вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Э.Жўраев, ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Т.Худойберганов, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи И.Собировлар учрашувда қонунчилик, ҳуқуқ-тартиб о т қоидаларига риоя этишнинг аҳволи, соҳа ходимларининг фуқаролар осойишталигини таъминлаш, юрт бойликларини муҳофаза этиш ва уни кучайтиришга қаратилган серқирра фаолияти хусусида гапириб, бу борадаги ишларни тубдан яхшилаш ва кучайтириш йўл-йўриқларини баён этдилар.

Одамлар ҳуқуқий онги ва савиясининг ўсиши қонунлар устуворлиги ва ҳуқуқий давлатчилик негизларини кучайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга, дейишди нотиқлар. Бу борада вилоятда изчил ишлар олиб борилаётган бўлса-да, ҳали натижалардан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди. Негаки, кейинги йилларда воҳада жиноятчилик, қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бирмунча кўпайди.

Ҳуқуқ тартиботи идоралари айрим ходимларининг ўзбошимчалиги, қўпол муомаласи ва масалага нохолисона ёндашуви каби жузъий ҳолатлар аҳоли орасида ҳақли эътирозларни вужудга келтираяпти. Қонуннинг бир-иккита ёки тегишли моддаларинигина билиб, қолганлари ҳақида ҳатто тасаввурга ҳам эга бўлмаган баъзи ғўр, хом ва чаласавод ҳуқуқшунослар ҳам фаолият кўрсатаётгани ниҳоятда ачинарлидир.

Вилоят ҳокими И.Бобожонов анжуман иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» шу йил 13 майда қабул қилган қарорининг бажарилишида фаол қатнашишга даъват этди.

Ўз мухбиримиз

Назорат

НОҲАЛОЛ САВДОЛАР

ёхуд Термиз шаҳар бозорларидаги аҳвол ҳақида

Ҳозир ёз, пишиқчилик пайти. Ҳамма нарса бозорда бор, мўл-кўлчилик. Лекин нархи... Термиз шаҳридаги «Барчиной», «Юбилей», автошоҳбекат ёнидаги «Шодлик» ва бошқа бозорларда ҳаёт қайнайди. Аммо... сал «ичкари» кирсангиз... тош-тарозилар давлат стандарт талабларига жавоб бермайди, назорат тарозилари умуман йўқ. Тарози тошлари ўрнида гишт бўлаклари, шиша сиғимли идишлардан ёки пружинаси чўзилиб қолган қўл тарозилардан фойдаланилади. Натижада бир кило деб сотилган маҳсулот кўпинча 750-800 граммдан ошмайди. Баъзи тарозиси соз сотувчилар ҳам бўйидан, гоҳо энидан уриб қолишга уринишади.

Бундан ташқари, бозорларда тозаликка эътибор етарли эмас. Антисанитария ҳолатида маҳсулотлар сотилади, иссиқ овқатлар пиширилади. Табиийки, бундай аҳволда Савдо маданияти хусусида гапириш қийин. Тўғри, четдан келган киши сиртдан қараб «Эй, отасига раҳмат, бу даргоҳ раҳбарларининг, деҳқону тадбиркорларга қанчалик шароит яратиб қўйишибди» дейиши мумкин. Аслида эса, афсуски, мавжуд 7 та катта-кичик бозорларда ҳақиқий деҳқон-соҳибкорни учратиш амримаҳол. Уларнинг босими – олибсотар, чайқовчилардан иборат. Бу тоифадагиларга бозорда маҳсулот нархи нақадар баланд бўлса, шунча яхши. Ахир улар кўрадиган шахсий манфаат бевосита нарх-навонинг баланд-пастлигига бориб тақалади-да.

Кўнгилсиз ва қонунсиз ҳолатларни туғатиш мақсадида Давлат солиқ инспекцияси билан ҳамкорликда «Барчиной» бозорида текшириш ташкил этдик. Табиийки, бу ишга бозор маъмуриятини ҳам жалб қилдик.

Республикамиз Президентининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва ҳукуматимизнинг ушбу масалага оид қарорлари ижроси юзасидан ўтказган ушбу рейд давомида савдо қоидаларининг қўпол бузилиши фактларини аниқладик. Айниқса, якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахслар томонидан кўплаб қонунбузарликлар содир этилганининг гувоҳи бўлдик. Ҳатто, расмий таъқиқланган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш, солиқ идораларидан рухсат олмай савдо қилиш, ўз вақтида даромаддан солиқ тўламаслик, олибсотарлик ва чайқовчилик билан шуғулланиш ҳолларига дуч келинди.

Хўш, нега бундай? Уларнинг ҳомийлари кимлар? Нима учун қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш даражаси бунчалик паст? Бу каби саволларга бевосита масъул бўлган давлат солиқ органлари ва бозор маъмурияти жавоб топиб беришлари керак эди. Афсуски, улар «чайналиш»дан, бундай қонунбузарларга енгил-елпи жазо беришдан нарига ўтмайдилар.

Маълум бўлишича, кейинги пайтларда «Барчиной», «Юбилей», «Карпов» бозорларида турли қимор ўйинлари авж олган экан. Бир гуруҳ ўспирин йигитлар, кўзлари олазарак, ўзаро бақир-чақир қилиб, бозорни шовқинлар майдонига айлантириб юборишган экан. Хўш, аслида қанақа ўйин бу? Одамларга қандай наф ёки эстетик завқ беради? Ўйиннинг ташкилотчиси ким? Ўйин номи, қоидаси ва қоларверса, унга бирон жойдан рухсат олинганми? Бу саволларни тегишли шахслар олдига қатъий қўйдик. Аммо жўяли жавоб ололмадик. Маълум бўлдики, бу шоввозлар ҳатто маҳаллий ҳокимиятдан тегишли рухсат ҳам олишмаган. Фақат бозор раҳбарларини «унутиб» қўйишмаса бўлди, ана шунинг учун уларнинг мушугини ҳеч ким «пишт» демас экан.

Вилоят «Бозор» очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари уюшмаси бошқарув раиси жаноб Х.Каримов текширувдан бир кун олдин ушбу ўйинларни ташкил этиш тўғрисида фармойиш чиқарибдилар. Аслида бундай ўйинлар анчадан буён бор. Яна унинг номи қизиқ - «Вилоят бозорларида вақтинчалик кўнгилочар, «бахтли воқеа» ўйинларини ташкил этиш тўғрисида»...

Мабодо бу ўйинлар халққа чиндан ҳам зарур экан, ростданам кўнгилочар, ўйин иштирокчиларига «бахтли воқеа»ларни юзага келтираётган экан, раис жаноблари фармойишда нега уларни вақтинчалик дея таъкидлаяпти? Нега маҳаллий ҳокимликдан рухсат олиш ҳаёлларига ҳам келмайди?

«Барчиной» ва «Юбилей» бозорларида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тақиқлаб қўйилган айрим озиқ-овқат маҳсулотлари баъзан яширинча, баъзан очиқча сотилмоқда. Қанд-шакар, ўсимлик мойи... хоҳлаганча харид қилишингиз мумкин.

Бундай қонунбузилишларининг олдини олишга бевосита Термиз шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи К.Ўтаев, катта нозирлар Ў.Худойқулов ва Х.Аваловларнинг ўта бепарволигини таъкидламасдан иложимиз йўқ. Масъулиятсизлик ва муросасоҳликдан ўзгача атама тополмайсиз.

«- Мен Термиз ДСИда 1993 йилдан буён ишлайман. Май ойида «Барчиной» бозорида аниқ қанча ҳуқуқбузарга нисбатан нечта маъмурий иш очганлигимни эслай олмайман. Лекин бирорта жиноят иш қўзғатилган эмас. 1-6 май кунлари, очиғи «Барчиной» бозорига борганим йўқ. Шаҳар прокуратураси ходимлари текширганда кўпгина ҳуқуқбузарликларни аниқлашди, лекин мен навбатчилик қилганимда ҳеч ким мой, шакар, қанд, совун билан ноқонуний савдо қилган эмас». Ў.Худойқулов ўз тушунтириш хатида шу каби баҳоналарни рўкач қилса, ҳамкасби Хушбоқ Аввалов «Ишонтириб айтаман, ишда бурилиш ясайман» дея қоплаб ваъдани тиқиштиради.

Текширувимиз давомида Рисолат Сафарова, Абдуманнон Турсунов, Марҳабо Раҳимова, Манзура Абдухалилова, Нодира Тоирова, Жумагул Ҳасанова, Зулайҳо Караматова, Воҳиджон Худойбердиев каби якка тартибда фаолият юритаётган «тадбиркор»лар ноқонуний озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш каби қатор маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётганлиги маълум бўлди. Уларнинг барчасига қонуний чоралар кўрилди, тегишли жарималар ундирилди. Яна бир факт: бозор паттачилари Х.Каримов, Ж.Тоштемиров ва Р.Омоновлар паттачиликдан чўталчиликка ўтиб кетишган экан. Улар доимий равишда мижозларга паттани кам беришни, сотувчилар ҳақига хиёнат қилишни касб қилиб олишибди. Тушум пулларини ҳам ўз вақтида топширмай «аввал чап, кейин ўнг чўнтакка» қабилида иш тутишган. Паттачи Х.Каримов дегани ҳатто ойлаб касса билан ҳисобкитоб қилмас экан.

Р.Омонов дегани эса Термиз тумани «Намуна» жамоа хўжалигида яшовчи Ойнахол Хўжамқулова, Санобар Чоршаева ҳамда «Дўстлик» колхозида яшовчи Гулбаҳор Жумаеваларнинг ҳар биридан 180 сўмдан нақд пул ёки маҳсулот олиб, уларга 120 сўмлик чек берган, холос. Уни текширув пайтида тумшуғидан илинтирдик. Табиийки текширишимиз натижаларига кўра барча фактлар юзасидан прокурорлик чоралари кўрилди. Бирорта факт ҳам назардан четда қолдирилмади. Вилоят «Бозор» ОТХЖ бошқаруви раиси ва шаҳар ДСИ бошлиғи номига тақдимнома киритдик, аҳволга уларни жиддий эътиборини қаратдик.

Бозордаги чекчилар, солиқчилар ва бошқа масъул шахслар ишдаги камчиликлари учун жазога тортилдилар. «Карпов» тижорат бозорида ноқонуний савдо-сотиқ билан шуғулланиб, илгари маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазоланган 7 нафар шахса жиноий иш қўзғатдик. Терговда уларнинг айби тўла ф

ВАТАН - СЕВГИНГ БИЛАН ТИРИКДИР БУ ЖОН

Истиқлол илҳоми

ИЗҲОР

Ватан, қалбим ўзинг, кўзим қароғи,
Вужудимда жўшган ўтлиғ, тоза қон.
Ватан, сен халқимнинг ёниқ чироғи,
Ўзлигим англатган муқаддас макон.

Ватан шеърларимда ёзилмаган сир,
Илоҳий нур ила битилган баёт.
Жажжи ўғилчамдай улғайган меҳр,
Ватан - остонамдан бошланган ҳаёт.

Ватан - Жалолиддин ёндирган олов-
Жайҳун тўлқинлари узра гурлаган.
Ватан - Шоҳсанамнинг ҳур ишқи, асов -
Алп Арслон кўнглини ойдек нурлаган.

Ватан - севгинг билан тирикдир бу жон,
Сенсиз бахтим забун, иқболим - ғорат.
Ватан - Буюк Темур улғайган Турон,
Қуёшдай кўксимга кўчган ҳарорат...

БИР ДАСТА ГУЛ

Бахтлар водийсидан бир даста гулни
Сиз учун атайлаб келтирган эдим.
Лекин мағрурлигим тутиб бу сирни
Айтмасдан, ўзгалар келтирмиш дедим.

Гуллар-чи, жонсарак, титрар эдилар,
Ифорлар таратар - сўзлар эдилар.
Бағрингизга мендан олдинроқ
Ўзлари бош қўйиб, бўзлар эдилар.

Жилмайиб боқдингиз тутиб қўлимдан,
Бу олам мунаввар нурга айланди.
Бахтлар водийсида дилга тугилган,
Ниятлар бир сурур - сирга айланди.

Кўзлардаги меҳр тўқнашган онда
Ошкор бўлди титроқ. Муҳаббат шулми?
Энтикиб бағримга босдим пинҳона
Атайлаб сиз учун терилган гулни...

Бибисора КАРИМОВА

1999 йил - Аёллар йили

ОНАГИНАМ ИШГА КУЗАТАР...

Ҳаётдан қониқиб яшаш кишига қанот бағишлайди. Мамлакатимизда ана шундай ҳаёт учун барча шароитлар яратиляпти. Айниқса, аёлларга эҳтиром кучайганлиги қувончли. Аёлларимиз ҳам муносиб меҳнат ва меҳр-оқибат намуналарини кўрсатишга интилмоқдалар.

Юртбошимизнинг ушбу йилни «Аёллар йили» деб эълон қилишлари муҳтарама аёлларимизнинг оила ва жамият олдидаги масъулиятини янада оширди, - дейди Бекобод шаҳар 15-сонли «Ўратепа» божхона постининг катта инспектор суриштирувчиси Холидахон Абдураззоқова, - шунинг учун ҳам биз хотин-қиз инспекторлар йигитлардан қолишмай, катта масъулият билан ишлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Холида Абдураззоқова 1989 йилда ТошДУнинг юридик факультетини тугатгач, иш фаолиятини Ширин шаҳридаги Ишчилар таъминоти бўлими (ОРС)да ҳуқуқшуносликдан бошлади. Сўнг бир неча йил Бекобод шаҳар савдо ҳиссадорлик жамиятида ишлади. Мана уч йилдирки, божхона хизмати ходимига хос фазилатлари билан касбдошларига ибрат бўлаётир.

Божхоначидек шарафли ва оғир вазифани уддалашда хотин-қизларнинг нозик зеҳни, сезгирлиги қўл келади. Аммо мунтазам масъулият билан ишлаш, тунги навбатчиликлар, оила ташвишлари... булар бари бир аёлга оғирлик қилмасмикин, деган ўйга борамиз. Суҳбатдошимиз буни дарҳол пайқайди:

- Божхона хизматчисининг ўзига хос ташвишлари мен учун қизиқарли бўлиб қолди. Ҳар куни божхона ходимининг кийим-формасини кияр эканман, қалбимда фахр-ифтихор туяман. Шу фахрга доғ туширмай ишлашга ҳаракат қилаяпман.

- Холида, сиз оилали аёлсиз, турмуш ўртоғингиз ҳам шу соҳанинг одами. Уч нафар фарзандларингиз тарбиясига қандай улгураяпсиз?

- Бу борада меҳрибон онажоним - Ҳурматой аянинг катта хизматлари бор. Ўзлари саккиз нафар фарзанд ўстириб, барчасини уйли-жойли қилиб қўйганларига қарамай, ҳамон тинибтинчимайдилар. Навбатчи бўладиган куним дарҳол етиб келадилар. «Кўнглингни тўқ қил, болам яхши ишла», деб мени кузатиб қоладилар.

Хуллас, аёл қайси соҳада меҳнат қилмасин, ўз касбига меҳр-муҳаббатли, қийинчиликлар келганда сабр-бардошли бўлса бу фазилатлар унга фақатгина яхшилик келтиради. Холида Абдураззоқова ҳам меҳнати, инсонийлиги билан оила ва жамиятда ўз ўрнини топиб, обрў-эътиборли ва бошқаларга ибрат бўлаётган аёлларимиздандир.

Салима ҚИЛИЧЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Янги қўлланма

ШАРАФЛИ НОМ МАСЪУЛИЯТИ

Маърифатли инсонгина ўз касбининг устаси, фидойиси бўлиши мумкин. Бу фазилат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун айниқса, муҳимдир. Чунки биз ривожланган демократик жамият қуриш йўлидан бораяпмиз. Демак, бу жамиятда маърифатли ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ўрни, хизмати беқиёс бўлади.

Ҳар қандай хавфли ижтимоий иллат, оғир жиноят ва адолатсизликнинг илдизи ҳусусида жиддий ўйлайдиган бўлсак, унинг замирида ўз бурч ва вазифамизни, ҳақ-ҳуқуқимизни, қонун ва қоидаларни билмаслик, уларга риоя қилмаслик, менсимаслик, ўз манфаатини кўзлаш ва ахлоқсизлик каби салбий хислатлар ётади.

Бундай пайтда ҳуқуқий онгимизни чархлайдиган, жамиятга тўғри кўз билан қарашга ўргатадиган, шууримизни офтоб янглиғ ёритадиган китоб ва рисолаларга эҳтиёж сезилиши табиий. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Тошкент шаҳар Ички Ишлар Бош Бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси яна бир хайрли ишга қўл ургани мақтовга сазовор ишлардандир. Уларнинг ижодий меҳнатлари ва ҳомийлигида чоп этилган **«Хизмат маданяти ва маънавий қиёфа»** деб номланган рисола ғоят катта аҳамиятга молик. Рисола нафақат милиция ходимлари учун, балки аҳолининг кенг қатламлари учун ҳам муҳимдир. У ҳуқуқий онг ва маданиятни ўстиришда, ҳақ-ҳуқуқимизни танишда ва инсонийлик фазилатларини қалбга жо қилишда ҳар бир фуқарога дастуриламал вазифасини ўтайди.

Мўъжаз рисоланинг тузувчи-муаллифлари Мирзараҳим Мамажонов ва Ғайрат Ҳамидовлар матбуотда ўзларининг турли ҳуқуқий мавзулардаги чиқишлари билан ўқувчиларга аввалдан яхши таниш. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ мавзулар алоҳида сарлавҳаларга бўлиниб, ўзаро ички боғлиқликда берилган. «Қонунни ҳимоя қил, ўзинг ҳам риоя қил» ёки «Милициянинг кучи - жамоатчилик билан ҳамкорликда» сингари бўлимлар фикримизга далил бўла олади. Дарҳақиқат, қонун ҳимоясининг ўзи қонунга риоя қилмаса, унга нисбатан жамоатчиликнинг муносабати ўзгаради. Шу боис оддий кийинишдан тортиб, кўча-кўйда, турли тадбирларда иштирок этишгача милиция ходими ўзгаларга ўрнак бўлиши, шу шарафли ном масъулиятини ҳис қилиши лозим.

Китобга илмий маслаҳатчилик қилган ва сўзбоши муаллифи Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат полковниги Шавкат Мавлонов, жамоатчидик таҳрир ҳайъати раислари — Ўзбекистон Республикаси ИИВ

ШТБИХ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Ўткир Жўраев, Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Исроил Саидаҳмедов, таҳрир ҳайъати раиси муовинлари — бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Нигматжон Тохтаев, «Ҳаёт ва қонун» юридик журнали ва «Инсон ва қонун» ҳуқуқ газетаси Бирлашган таҳририятининг Бош муҳаррири ўринбосари Сирожиддин Раупов ҳамда ҳайъат аъзолари ўзларининг қимматли таклиф ва фикр—мулоҳазалари билан қўлланманинг мазмун ва моҳиятини янада оширишга самарали ҳисса қўшганликларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ишончимиз комилки, ушбу рисола ҳаётимиз посбонлари ва кенг омма учун маърифий қўлланма бўлиб қолади.

Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос

«ДАРБАНД»НИНГ ИШҚОНГАН ТОҒЛАРИ

Собир Сулаймонов ёшлигиданоқ ички ишлар ходими бўлиб етишишни орзу қиларди. Интилганга толе ёр деганларидек, у 1974 йил Сурхондарё вилоят ИИБ га мурожаат қилди. У ердагилар Собирни бошдан-оёқ кўздан кечириб, суҳбатдан ўтказиб, ишга қабул қилишди.

Шундай қилиб, ёш йигит оддий нозир бўлиб ўз посбонлик фаолиятини бошлади. Устозларидан билмаганларини сўраб ўрганди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Термиз Давлат университетида таълим олди.

Нозир меҳнатсеварлиги, ҳаракатчанлиги билан вилоят ДАНчилари орасида танилиб қолгач, Бойсун туманидаги «Дарбанд» постини унга ишониб топширишди. У шаҳарда ишлаб чиниқиб қолганми ёки омади бор эканми, бу ерда ҳам ўзини ҳар томонлама кўрсатди. Баланд тоғ орқали ўтиладиган йўл-ҳаракат хавфсизлигини таъминлади. Ҳар хил кўнгилсиз йўл ҳодисаларига барҳам берди.

Моҳир посбон С.Сулаймонов шогирдлари Шароф Рашидов, Баҳром Шаропов, Комил Нормаматовлар билан 1994 йил «Дарбанд» пости биносини ва «Марҳамат» ошхонасини барпо этишди. Ҳозир кимсасиз тоғ бағридаги маскан йўловчи, ҳайдовчилар учун ҳам бошпана ҳисобланади.

Хуллас, Собир Сулаймонов ҳақида гапираман десак, гап кўп. Эл-юрт учун қилаётган хайрли ишларининг ҳисоби сон-саноқсиз. Қаранг, кўз очиб юмгунча у 45 ёшга тўлибди. Посбонлик фаолиятига эса 25 йилдан ошибди. Одамнинг ишонгиси келмайди. Шу камтарона ҳаётида турмуш ўртоғи Ўғилой билан 7 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказди. Ўғли Илҳом эса ота изидан бориб, Ички ишлар Академиясида таҳсил олмоқда.

«Дарбанд» пости йигитларининг ишонган тоғи — сергак посбон Собир Сулаймонов оддий ходимликдан ички ишларда иш бошлаб, катта ҳаёт йўлини босиб ўтиб ўзига хос мактаб ярата олганлардан биридир.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Қинғир ишнинг қийиғи

АЁЛ ЖИНОЯТГА ҚЎЛ URСА

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлими бошлиғи ўринбосари Худойқул ака Турдибоев билан суҳбатимиз узоқ чўзилмади.

- Сиз айтган мавзу - оила бекаси, суюкли ёр, фарзандларимиз онаси бўлмиш аёлларнинг жиноятга қўл уриши тўғрисида гапириш осон эмас. Яхшиси ҳужжатлар билан танишиб чиқинг. Улар алдамайди, - дея қўлимга бир қанча суд қарорларидан кўчирма тутқазди.

Доима Туркманова 1964 йилда туғилган. Оилали, икки нафар ёш боласи бор, маълумоти ўрта. Текин даромад орттириш мақсадида турли хил найранглар билан ўзгалар ишончини суиистеъмол қилиб, ҳаром йўллар билан бойлик орттиришни ўзига касб қилиб олган. Жумладан, 18 май 1995 йил Юнусобод туманида яшовчи Ш.Маҳмудовага тегишли 4000 АҚШ долларни қонунга хилоф равишда ўзиники қилиб олади ва ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборади. У ушбу ҳаракатлари билан Ш.Маҳмудовага 106 минг сўм зарар етказади. Орадан бир ойча вақт ўтар-ўтмас жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Тошкент шаҳрининг Носирова кўчасида яшовчи фуқаро Б.Абдуазимованинг 110 минг сўмига эгалик қилади. Доимахон қарасаки, ошиғи олчи. Демак, алдаш билан ҳам кун кўрса бўлади. Навбатдаги ов учун «ўлжа» ҳам бегона эмас. Ўзининг овсини Г.Маҳмудовани ёлғон ваъдалар билан чув тушириб, 2 минг 600 АҚШ доллари ва 6 минг сўм нақд пулини санаб олади. Бу билан ўз овсинига 83 минг 740 сўм зарар етказади. Орадан бир оз вақт ўтиб ҳамёнидаги пулнинг чўғи пасайганини сезган Доимахон кўз остига олиб юрган қўшниларни аврашга тушади. «Ён қўшнинг - жон қўшнинг» дейди доно халқимиз. «О.Каграманяндек қўшнимда пул бўлатуриб яна кимга бораман», дея ўйлаган Доима Туркманова қўшнисига «тутилмаган» ёлғонлар билан мурожаат қилади.

- Яқинда Олой бозоридан дўкон очаман, агар ишим юришиб кетса хотинингиз ва қизингизни ҳам ишга олсам деган ниятим бор, - дея найранглар билан ундан нақд 50 минг сўмни қуртдек санаб олади. М.Цой ва Х.Маҳмудов каби фуқароларнинг қозондаги ошига ўзининг ёлғонлари билан шерик бўлиб, унга эгалик ҳам қилиб олади. «Карнайчидан бир пуф» деганларидек, битта ёлғон билан юқоридаги шахсларнинг ҳам катта миқдордаги АҚШ доллари ва пулларини олиб жуфтакни ростлайди. Аммо «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деган нақл рост чиқиб қолди. Чунки Доима Туркманованинг доимо алдов йўли билан бойлик орттириб, ўзгаларни сарсону саргардон қилиб юрганидан хабар топган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суди ходимлари шу йилнинг 4 март куни, яъни қаҳрамонимиз 35 ёшини нишонлашига бор-йўғи 11 кун қолганда унинг бундай сохта фаолиятига чек қўйди.

Орадан бир ойу икки кун ўтиб, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди ходимлари ҳам Туркмановадан найрангбозлик, алдов, ўзгалар ишончини суиистеъмол қилиш бобида ўн баробар ўтса ўтадиган, олти нафар фарзандининг онаси фуқаро Фотима Мирзаева Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми «А» банди билан айбдор деб топилди ва унинг шахсий мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинди. Ўзи 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Хўш, нега? Нима учун, деган савол туғилиши табиий. Чунки Фотима Мирзаева 1995 йилдан буён бир қанча фуқароларни алдаб, ноғорасига ўйнатиб юрган. Жумладан, Ҳадича Ҳасановнинг 1750 АҚШ долларини тез кунда қайтариб бериш шарти билан олиб, қайтариб бермай, жиғилдонига урган. 1996 йилнинг 28 март куни яна жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Шайҳонтоҳур тумани марказ 15, 11-уй, 60-хонадонда яшовчи Ф.Каримованинг 77500 сўмлик молини сотиб бераман, деб олиб гумдон қилган. Ҳар қандай шароитда ёлғонни сув қилиб ичишга қодир бўлган Фотима Мирзаева уларни шундай ишонтирганки, қўл билан бериб, оёқ билан югурган қўйидаги кишилар ҳам сезмай қолишган. Фуқаро Х.Юсуповадан 1 миллион 500 минг сўм, М.Хусановадан эса 360 минг сўмлик тилла буюм ва кийим-кечакларини олган. Ўзи эса сувга тушган тангадек йўқ бўлиб кетган. Шу ўринда айтиш керакки, жабрланувчи Х.Юсупова судланувчи Фотима Мирзаева билан 1994 йилдан буён танишбўлган. Аммо пулини сўраб борганида «Эрим Россияга қовун олиб кетаяпти, шу қовунларни сотиб бўлгандан кейин пулингизни бераман» дея навбатдаги хурмача қилиқларини кўрсатган. Шундан сўнг тарвузи қўлтиғидан тушган Х.Юсупова бу алдовларга ишонмай, прокуратурага ариза билан мурожаат қилган. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман прокуратураси ходимлари «қилни қирқ ёриб» жиноятнинг илдизини топишган.

Ушбу ҳужжатлар билан танишаётганимни зимдан кузатиб турган Худойқул акага саволномуз қарайман.

- Саволингизни уқиб турибман. Буларнинг жиноятга қўл уришига нима мажбур қилган? - демоқчисиз дейди у, - ҳақиқатан ҳам нима учун, нега? Айрим аёллар ҳамон жиноятга қўл урмоқда. Ахир, юртбошимиз «Аёлларни ҳурмат қилайлик, эъзозлайлик. Бу фоний дунёда оналаримизни бошимизга кўтарайлик...» деб оналаримиз, опа-сингилларимиз, турмуш ўртоғимиз ва қизларимизни ардоқлаб, уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш учун қайғурсалару бунинг қадрига етмаган айрим аёллар «Она» деган муқаддас номга доғ туширсалар.

- Бунга асосий сабаб, - дейди Худойқул ака сўзини давом эттириб, - йўқчилик ёки очликдан эмас, балки борига барака қилмай, тўқликка шўхлик, очкўзлик қилиб, мол-давлат, зебу зийнат ва пулнинг қурбонига айланишмоқда.

Илҳом ЮСУПОВ

Мавзуга қайтиб

ТАКРОР ЁЗАЯПМАН, АКАЛАР!

Ҳурматли «Инсон ва қонун»!

Менинг илгариги ҳақли талабим инобатга олиниб, газетангизнинг 1998 йил 7 октябр сонида «Уйимни олиб беринг!» сарлавҳа остида мақола эълон қилиниб, арз-додларимни эшитмаётган идоралар танқид остига олинган эди.

Шундан сўнг уйимни қайтариб олиш масаласи кўрилиши тезлашди. Туман судининг раиси Ш.Ғаффоров 1998 йил 25 ноябрида Бахтиёр Нарзиевдан уйни менга бўшатиб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариб берди.

Аммо жавобгар Б.Нарзиев уйни бўшатмади. Фуқаролик ишимиз Самарқанд вилояти судида яна кўрилди. Улар ҳам ишни менинг фойдамга ҳал қилиб, ажрим чиқаришди. Лекин масала ҳал бўлмади. Вилоят судининг ажрими ижросиз туман судида уч ой ётди.

Ниҳоят, 1999 йилнинг 4 апрелида Олий суд раиси ўринбосаридан хат олдим. Хатда ажрим ижроси тўхтатилганлиги айтилган экан. Мана шундан буён орадан тўрт ой ўтди. Мен ҳамон кўчадаман, адолат излаб юрибман. Қачонгача давом этаркан-а, бу сарсонгарчиликларим?

Саодат РУСТАМОВА,
Самарқанд вилояти Пахтачи тумани, А.Аллаёров жамоа хўжалиги

САБРНИНГ ҲАМ ЧЕКИ БОРЛИГИНИ БИЛАМИЗ...МИ?

Таҳририятимиз газетамизда илгари босилган мақоладан тубандаги жумлаларни чегириб, эслатади:

«Тўртинчи ҳокимият»га мурожаат қилиб, сочлари оппоқ, ёши ўтиб қолган, кўриниш ва кийиниши содда, бироз эзилган ва чарчоқ қиёфадаги аёл келди. Самарқанднинг «Зиёвуддин» қўрғони, Аллоёров номли жамоа хўжалигида яшовчи Саодат Рустамова экан:

— Ёшим бир жойга бориб қолди, соғлигимни йўқотдим, бор-будимни тўплаб, бундан икки йил бурун «Зиёвуддин»дан, Бахтиёр Нарзиев деган шахсдан ҳовли сотиб олиб, нотариус орқали расмийлаштирган эдим. Уй сотувчи номардлик қилди, пулимни олди-ю, уйимни бермади. Шундан буён туманимиз ички ишлар бўлими, суди, прокуратураси идоралари эшигида ҳақиқат, ёрдам излаб тоқатим тоқ бўлди, Сизга келдим, ҳеч бўлмаса арзимни эшитарсиз, муаммони газета орқали тегишли идорага етказарсиз...

С.Рустамованинг қўлида Пахтачи туман нотариуси Ш.Эргашев 5000 сўм давлат божи ундириб, 2-645-сонли қайднома билан тасдиқланган олишсотиш расмийлаштирилган ҳуқуқий ҳужжат - шартнома, 2 йилдан буён ўз қонуний ҳақини ололмай ушбу туман суди, прокуратурасида сарсон бўлиб юрганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бор экан.

Бор-йўғи битта саволга жавоб йўқ эди:

- Нима гап, муҳтарам қонун ҳимоячилари, нуроний-ёлғиз онани сарсон қилмаслик мумкинми, йўқми?»

Кўриб турганингиздек, мақола босилгандан сўнг туман суди, вилоят суди, прокуратура идоралари ишга жиддий ёндашиб, қонуний ва адолатли қарор чиқариб беришибди. Масала — оддий. Биров уйини сотган, иккинчиси олган. Қонуний ҳужжатлаштирилган. Лекин сотган одам уйни бўшатиб бермаяпти, холос. Уни қонуний равишда тартибга чақириш учун... 4 йил вақт ўтаяпти. Ёзилган, «тирналган» қоғозлар уюми эса тахланса низоли уй бўйига баробарлашиб қолса керак. Ўйлаб кўрсангиз, Саодат опанинг гапи тўғри. Хўш, маслаҳат беринг, муштипар аёл яна қаерга ва қачонгача бош урсин? Наҳотки ўзи пулини тўлаган сомсани ея олмаса? Конституциямиздаги мулк дахлсизлиги, ҳар ким ўз мулки, пули, уй-жойини бемалол тасарруф этиши кафолатини эслатиб ўтиш шартми? Саодат опанинг ўз уйига эгалик қилиш «масала»си муаммо бўлиб туриши, уят эмасми, билмадик...

ТАҲРИРИЯТ

ДИҚҚАТ!

Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги Академик лицей 1999-2000 ўқув йилига

қабул эълон қилади

Академик лицей қабул ҳайъатига 1999 йил 9-синфни битирган ўқувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Директор номига ариза;
2. Аттестатнинг асл нусхаси;
3. Ҳуқуқий касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис маркази тавсияномаси;
4. Доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;
5. 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
6. 3х4 см. ҳажмли 4 дона фотосурат.

Ўқишга кирувчи томонидан туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома кўрсатилади. Ушбу ҳужжатлар ўқишга кирувчи томонидан қабул ҳайъатига шахсан тақдим этилади.

Ҳужжатлар 15 августгача қабул қилинади.

Академик лицей талабаларига Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари сабоқ беради. Ўқиш муддати 3 йил. Битирувчиларга Академик лицейни битирганлиги ҳақида диплом берилади.

Манзил: Юнусобод тумани, Марказ-5, 80-ўрта мактаб биноси.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Гайбулло РАҲИМОВ, Парахат АЙТНИЁЗОВ, Бурхон БЕКМИРЗАЕВ, Шавкатжон МАВЛОНОВ, Неъмат АМИНОВ, Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб), Зайниддин ИСЛОМОВ, Ҳамза ЗОКИРОВ, Миршоҳид МИРҲАМИДОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0668. Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи: С.СИРОЖИДДИНОВ

Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У.ДЎСМАТОВ

Терувчи: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ: 700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41

«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.